



9
(1431)-son
28-fevral
2020

ERURSEN SHO'H, AGAR OGOHSEN SEN
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSSEN SEN

Xabar

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

УШБУ СОНДА:

САЙЁР ҚАБУЛ

Барча муаммоларни ҳал этиш мумкин **3-бет**

КАСАБА УЮШМАСИ

Ходимлар билан иш берувчи ўртасида кўприк бўлиши керак **5-бет**

ОНЛАЙН УСЛУГИ

На ЕПИГУ внедрили возможность сообщать о нарушениях при получении государственных услуг **6-бет**

АКС-САДО

Энг дардли муаммолардан бири **8-бет**

АХЛОҚ, АДАБ, ОДАМ

Гиёҳванднинг сўнги кунлари **9-бет**

НУҚТАИ НАЗАР

Насафий ва "фа-фа-фа"га энглишдан қўрқасизми? **10-бет**

АЛОҚА ОЛАМИДА

Робот илк мартаба микрожарроҳлик ўтказди **12-бет**

UZ DOMEN ЗОНАСИ

(27.02.2020)

Фаол доменлар сони

75 986

2020 йилда пайдо бўлган доменлар сони

4 282

Йил бошига нисбатан ўсиш

2 271

2020 йилда ўчирилган доменлар сони

2 011



Манба: cctld.uz

Питер Вестербак: "ШУНЧАКИ ЎЙЛАМА, ЧУҚУР ЎЙЛА!"



Янги бўйлаб 2 миллиарддан зиёд нусхага солинган машҳур Ангри Бёрдс (Жаҳадор қўшлар) ўйини асосчиси Питер Вестербак 28 феврал куни Тошкентга келди.




» 2

УЧИНЧИ ТАШАББУС

РАҚАМЛИ АВЛОД БЕЛЛАШУВИ

Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббуснинг учинчиси ҳамда "Аниқ фанлар ойлиги" доирасида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ва Олмазор тумани халқ таълими бўлими ҳамкорлигида "Рақамли авлод" танлови ўтказилди.

Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпон кутубхонасидаги Рақамли технологиялар ўқув марказида ташкил этилган ушбу танловда Олмазор тумани мактабларида таҳсил олаётган 11-синф ўқувчиларининг компьютер саводхонлиги синовдан ўтказилди. Танлов икки босқичда ташкил этилиб, 31та мактабдан бир нафардан ўқувчи ўзаро беллашди.



» 3

2 | ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

Jumadan
Jumagacha

➤ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 феврал куни Япония ва Корея Республикаси билан икки томонлама инвестициявий ва савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилишга бағишланган йиғилиш ўтказди.** Япония ва Жанубий Корея билан қўшма лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 40 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқариш ҳажмини 4,1 миллиард долларга, экспорт ҳажминини эса 1,14 миллиард долларга ошириш назарда тутилган.

➤ Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 25 феврал куни соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича галдаги муҳим вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш тизими танқидий таҳлил этилди.

➤ 25 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иккинчи Ўзбекистон-Қозоғистон ҳудудлараро ҳамкорлик форуми доирасида мамлакатимизга келган Қозоғистон Республикаси Бош вазири Асқар Маминни қабул қилди. Учрашувда савдо-иқтисодиёт, инвестиция, транспорт-коммуникация, энергетика, аграр тармоқларда, таълим, маданият соҳалари ва бошқа устувор йўналишларда амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилди.

➤ 26 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди. Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Туркия етакчисини таваллуд куни билан самимий табриқлаб, унга бахт-саодат ва янги зафарлар, дўст Туркия халқига эса фаровонлик тилади. Мулоқот чоғида кенг қўламли ҳамкорликни кенгайтириш бўйича икки томонлама келишувларни амалга ошириш масалалари батафсил кўриб чиқилди.

➤ 26 феврал куни Президент Шавкат Мирзиёев "Навоий кон-металлургия комбинати" давлат корхонасини ислоҳ қилиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди. Унда Навоий кон-металлургия комбинатининг таркибий тузилмасини такомиллаштириш, корпоратив ошкораликни татбиқ этиш, ҳисоб-китобларни халқаро стандартларга ўтказиш масалалари муҳокама қилинди.

➤ Матуботда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган "Лимончилик тармоғини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлар эълон қилинди.



Питер Вестербак: "ШУНЧАКИ ҲАМ ҲАММАГА МАЪКУЛ КЕЛДИ"



1

"Бу ўйинни яратиш ҳақида аввал ҳеч ким ўйламаган. Лекин у пайдо бўлди ва ҳаммага маъқул келди. Сиз ҳам келажакда бугун ҳеч кимнинг хаёлига келмаган дастурни яратиб, муваффақиятга эришишингиз мумкин. Фақатгина ўз имкониятингизга шубҳа билан қараманг", — дейди Вестербак.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида бугунги даврда Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантириш учун фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эришиш мумкинлиги таъкидланган эди. Ва бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялаш зарур.

Етук ва малакали кадрларни тайёрлашда энг илғор хорижий тажрибадан фойдаланиш муҳим ўрин эгаллайди. Хукумат ташаббуси билан бир қатор йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда, хориждан юртимизга обрўли ва юқори тажриба ва малакага эга мутахассислар жалб қилинмоқда.

Жумладан, дунё бўйлаб 2 миллиарддан зиёд нухада сотилган машҳур Angry Birds (Жаҳлдор қушлар) ўйини асосчиси Питер Вестербак 26 феврал куни Тошкентга ташриф буюрди.

Питер Вестербак ўйинлар ишлаб чиқарувчи Rovio компаниясининг (Финляндия) маркетинг бўйича директори, Angry Birds ўйини муаллифларидан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, у HP Mobile E-services Bazaar асосчиси; Mobile Monday, Education, Fun Academy, Lightneer, FinEst Bay Area ва Slush компанияларининг ҳаммуассиси ҳамдир.

Вестербак TIME журнали эътирофига кўра, 2011 йилда "Сайёранинг энг обрўли 100 одами" рейтингига киритилган, 2015 йилда шу рейтингнинг энг юқори ўнталигидан жой олган. У 2018 йилда Шанхайнинг Тунци университетиде инновациялар ва тадбиркорлик бўйича профессор унвонини олган.

Таниқли мутахассис дастлаб Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги АКТга ихтисослашган мактабда ўқувчи бўлиб ўтказди.

Ташриф доирасида у мактабда яратилган шароитлар, тўғарақлар билан тўлиқ танишиб, ўқувчилар билан қизғин суҳбат курди. Суҳбат давомида жаноб Вестербак ўз ҳаётини ва профессионал тажрибасини тўғрисида сўзлаб, ёшларга фойдали маслаҳатлар берди. Ўқувчилар эса, ўз навбатида, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар ва халқаро мутахассисдан керакли мотивацион билимга эга бўлдилар.

Шундан сўнг, Питер Вестербак Тошкентдаги ИНХА университетидаги бориб, талабалар учун маҳорат дарси ўтди.

Ёшлар билан учрашув чоғида Вестербак ўз соҳасида эришган тажрибалари билан бўлишди. "Агар сиз бир соҳада жуда катта муваффақиятга эришсангиз, бу борада ҳамма нарсани биламан, деган тунчача пайдо бўла бошлайди. Мана шу нуқтада тўхтаб қолиш керак эмас, илгарига ҳаракат

қилишда давом этиш керак. Шу билан бирга, оламшумул янгилик яратиш имконсиз нарса деб ҳам ўйламаслик лозим. Имконсиз нарсанинг ўзи йўқ, фақатгина ўқиш, ўрганиш керак. Шунда барча имкониятлар пайдо бўлади", — дейди у.

Унинг мисол келтиришича, Rovio компанияси 2003 йилда ташкил этилган бўлса, 2008 йилгача 51та ўйин ишлаб чиқарган. Дунёга машҳур бўлган Angry Birds 52-ўйин сифатида 2009 йилда яратилган. "Бу ўйинни яратиш ҳақида аввал ҳеч ким ўйламаган. Лекин у пайдо бўлди ва ҳаммага маъқул келди. Сиз ҳам келажакда бугун ҳеч кимнинг хаёлига келмаган дастурни яратиб, муваффақиятга эришишингиз мумкин. Фақатгина ўз имкониятингизга шубҳа билан қараманг", — дейди Вестербак.

"Angry Birds" асосчиси ўзининг муваффақият сирларини ҳақида ҳам гап очди.

"Менинг кичик қоидаларимдан бири: шунчаки ўйла, чуқур ўйла (Don't think, do think). Бу — шунчаки механик ўйлашдан кўра юқорида ҳолат. Масаланинг чуқур моҳирлиги кириб таҳлил қилиш керак. Шунда ўзингиз излаётган учкунни топа olasиз. Ва энг муҳими, нима яратишингиздан қатъи назар, шунчаки брендининг ортидан қувманг. Маҳсулотнинг моҳиятига, оригиналликка эътиборни қаратинг", — дея ёшларга ўғит берди у.

Тадбир ташкилотчиси, IT-Парк вакилининг қайд этишича, мазкур учрашув Ўзбекистондаги IT-соҳаси нималарга интилиши кераклиги тўғрисида одамларда тасаввур уйғотди, шунингдек, ёшларнинг IT-соҳасидаги билим ва дунёқарашини кенгайтириш мақсадида ташкил этилди.

Шунингдек, соҳага қизиқувчилар сонини кўпайтириш ва бу мавзу ҳар қандай ёшдаги одамлар орасида янада долзарб бўлиши учун ҳамда маҳаллий мутахассисларнинг Европадаги IT-саноати иш усуллари билан таништириш учун бундай ташрифлар уюштирилмоқда.

РАҚАМЛИ АВЛОД БЕЛЛАШУВИ



С.ЗОИРОВ олган суратлар.

«1»
 Дастлаб ўқувчилар MS Excel, MS Word ва Photoshop дастурларида амалий топшириқларни бажардилар. Иккинчи босқичда эса компютер саводхонлигидан мактабда олган билимлари бўйича онлайн тест топширишди.

“Рақамли авлод” танлови якунига кўра, тенгдошларига нисбатан юқори натижаларни қайд этган уч нафар ўқувчи фахрли ўринларга лойиқ кўрилди: 28-мактабнинг 11Б-синф ўқувчиси Муҳаммадрозийхон Абдуллаев 1-ўринни кўлга киритган бўлса, 15-мактабнинг 11А-синф ўқувчиси Жаҳонгир Ўткиров 2-ўринга, 185-мактабнинг 11А-синф ўқувчиси Дилмурод Умаров эса 3-ўринга сазовор бўлди. Уларга Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш

вазирлигининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, “ЎзМобайл” филиали ва Олмазор тумани халқ таълими бўлимининг медаллари, диплом ва эсдалик совғалари тантанали равишда топширилди. Шунингдек, Рақамли технологиялар ўқув маркази томонидан барча иштирокчи ўқувчиларга компютер саводхонлиги бўйича бир ойлик ўқув курсига бепул ваучер тақдим этилди.

мутахассиси Шорасул Қадиршаев мусобақа иштирокчиларини табриқлади. Уларга келажакда ахборот технологиялари йўналишида ўз билим ва ўнқимчаларини оширишлариغا тилак билдириб, ҳозирда республикамызда “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси олиб борилаётганлиги ва бу дастурда иштирок этиш истагида бўлган ёшларга кенг имкониятлар яратилганлиги тўғрисида маълумотлар бериб ўтди.

Усмонжон Йўлдошев

САЙЁР ҚАБУЛ

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси мамлакатимиздаги энг ишончли алоқа операторларидан бири эканлигини таъкидлашга ҳождат йўқ. Республикамыздаги кўплаб самарали лойиҳалар айнан ана шу алоқа компанияси томонидан амалга оширилаётганлигини эътироф этиш лозим. Халқаро сўзлашув провайдерларига сифатли ва замонавий хизматларни тақдим этаётган компанияда жорий йилда 850 миллиард сўмлик лойиҳалар амалга оширилиши кўзда тутилган.



БАРЧА МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ МУМКИН

Навоийда “Ўзбектелеком” НАК бош директорининг ўринбосари Жамол Мақсудов иштирокида ўтказилган сайёр қабулда айнан тизимдаги ютуқ ва муаммолар ҳақида фикр юритилди. Компаниянинг Навоий филиалида телекоммуникация тармоғини модернизация қилиш ва ривожлантириш ҳамда кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш мақсадида бир қатор лойиҳалар ишга тушмоқда. Вилоятда кенг полсали улаиш тармоғини ривожлантириш ҳамда NGN технологиясидан фойдаланган ҳолда коммутация ускуналарини кенгайтириш лойиҳаларини амалга ошириш ва замонавий телекоммуникация хизматларини кўрсатиш мақсадида янги станциялар, HUAWEI компаниясининг MSAN қурилмалари ўрнатилляпти. Ушбу қурилма жисмоний ва юридик шахслар учун юқори тезликдаги интернет ҳамда юқори си-

фатли IPTV ва телефон хизматларини кўрсатади. Сайёр қабулда мамлакатимизда интернет хизмати тезлигини ўн баробар ошириш кўзда тутилганлиги, Навоийда кенг полсали мобил алоқа хизмати кўрсатилишига мустаҳкам пойдевор борлиги алоҳида эътироф этилди. Саволлар ҳам бугунги давр талабига мос ва замонавий алоқа тизимига эришиш йўлидаги ислохотларни ўзида акс эттирди. — Маълумки, энергия билан алоқа ўртасида барқарорлик йўқлиги анча муаммоларни келтириб чиқармоқда, — деди Телекоммуникация транспорт тармоғи бошлиғи Сайдулла НОРОВ. — Бу муаммо ечилмаса, ислохотлар ва тараққиётнинг оёғи тушовланган бўлиб қолиши аниқ. Шунинг учун алоқа тизимини ҳам муҳим тоифалар сирасига киритиш керак. Бу муаммо юзасидан Навоий-

да кейинги вақтда ҳар бир ҳудуд бўйича электр тармоғидаги узил-шилларни таҳлил қилиш зарурлиги ва шундан сўнг “Ўзбекэнерго” компаниясига икки томонлама ёндашиш натижаларини сўраш ҳақида топшириқ берилди. Сайёр қабулга ташриф буюрган Эшқувват Сувонқулов Кармана туманининг Богшамол массивида янги уй-жойларда на симсиз, на оптик толали алоқа борлигидан норози бўлиб мурожаат қилди. Бу муаммо янги станциялар ишга туширилгач ҳал этилиши кўзда тутилганлиги айтилди. Матлуба Бозорова эса Гулистон массивида интернетдан фойдаланиш жуда секинлигини баён қилиб, маҳаллада ишлаётганлиги боис Навоий шаҳридаги мавжуд 31та маҳаллада интернет тизимини яхши ишламаслиги иш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатаётганлиги ҳақидаги фикрини билдирди. Бу борадаги му-

аммоларни ҳам ижобий ҳал этиш режалаштирилганлиги мутасаддилар томонидан тушунтириб берилди. Шунингдек, сайёр қабулда туманларда интернет тармоғининг секин ишлаши, электр узил-шилари оқибатида онлайн электрон ҳисоблагичларнинг ишлашдаги муаммолар ҳамда тўннерларнинг баҳоси қимматлиги тўғрисида ҳам танқидий фикрлар билдирилиб, бу борадаги фаолиятни тартибга солиш зарурлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар тингланди. “Ўзбектелеком” АК раҳбарияти сайёр қабулда тилга олинган барча муаммолар ва мулоҳазалар ҳақида батафсил режалар борлигига ва бу муаммолар албатта ўз ечимини топишига йиғилганларни ишонтирди.

Маруса ҲОСИЛОВА,
 “Хабар”нинг Навоий
 вилоятидаги мухбири

ТАДБИР

ЁШЛАРНИ ТАҲДИДЛАРДАН АСРАЙЛИК

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар ўртасида “Экстремизм ва терроризм – ёшлар келажакига таҳдид” мавзuida тадбир бўлиб ўтди. Уни ТАТУ Самарқанд филиалининг Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Орзу Ражабов олиб борди. Тадбирда Самарқанд шаҳар Маънавият-маърифат маркази бошлиғи Хуршид Нуриллаев сўз олиб, Ислом динида ёвузлик қаттиқ қораланиши, инсон ўз яқинларига ва бегона кишиларга зарар етказмаслиги, азоб бермаслиги, шунингдек, ҳадисда “Қўлингдан келса бировга яхшилик қил, агарда яхшилик қилиш қўлингдан келмаса, ёмонлик ҳам қилма” дейилганини мисол тариқасида таъкидлаб ўтди. Ислом доимо эзгулик ва покликка ундаши ҳамда тўғрилик йўлида доимо бардавом бўлиш, ҳеч қачон эгри йўлларга кирмаслик, бировларга зиён-заҳмат етказмаслик тўғрисида қатнашчиларга тушунчалар берди. Филиалда бундай тадбирларни ўтказилиши ёшларни доимо Ватанга муҳаббатли, ота-она ва кексаларга ҳурматда, ўзидан кичикларга иззатда бўлишга ундайди.

Филиал
 матбуот хизмати

4 | УЧИНЧИ ТАШАББУС

ҚАШҚАДАРЁДА ИЛК
РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР
ЎҚУВ МАРКАЗИ

Вилоятнинг Касби туманида Президентимизнинг бешта муҳим ташаббуси доирасида Рақамли технологиялар ўқув маркази очилди.

Марказ учун “Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиалининг Касби телекоммуникациялар боғламасига қарашли бўш турган телефон станцияси биноси ажратилиб, тўлиқ таъмирдан чиқарилди ва керакли жиҳоз ҳамда технологик воситалар билан таъминланди. Жумладан, маърузалар зали ва компютерлаштирилган ўқув хонасида телекоммуникация корхоналари ходимларининг янги технологияларни жорий этиш бўйича кўникмаларини ошириш, ёшларга ахборот технологиялари ва электрон тижорат соҳасида инновацион тадбиркорлик асосларини ўргатиш, ахборот технологиялари соҳасида стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлашнинг замонавий ҳамда са-



марали механизмларини яратиш, компютер технологиялари, дастурлаш, робототехника ва киберспорт асосларини ўргатиш учун барча зарур шароитлар яратилган.

Тадбирда Касби тумани ҳокими Тўхтамурод Мейлиев, вазирликнинг ҳудудий бошқармаси бошлиғи Санжар Арипов, IT-маркази директори Нодир Алибеков, шунингдек, жамоатчилик вакиллари, халқ таълими бўлими мутасаддилари, ахборот

технологиялари ва коммуникациялари соҳаси корхона, ташкилот ҳамда компаниялари вакиллари, ўқувчи ёшлар иштирок этишти.

– Бугун жамият тараққиётини ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Табиийки, соҳа бўйича етук мутахассислар тайёрлаш тизимини ҳам давр талабига ҳамқадам тарзда такомиллаштириб бориш зарур, – деди IT-марказ директори Нодир Алибеков.

– Айниқса, барча жабҳаларда рақамли технологиялар жадал татбиқ этилаётган бугунги кунда бу масалада фақат олий ва махсус ўқув юрларига суяниб қолмасдан, мутахассислар тайёрлашнинг интенсив, инновацион усулларида ҳам кенг фойдаланиш тақозо этилмоқда.

Ушбу марказ ёшларнинг бўш вақтини унумли ўтказиш, уларнинг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш олиш кўникмаларини оширишга кўмак беради. Марказ компютерлар ва зарур жиҳозлар, Wi-Fi ҳудуди билан таъминланиб, эндиликда унда туман ёшларига ахборот технологиялари, дастурлаш, робототехника, киберспорт асослари ва электрон тижорат каби йўналишларда билим ва кўникмалар берилди.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
“Хабар”нинг Қашқадарё
вилоятидаги мухбири
Муаллиф олган сурат.

ЎЗ КАСБИНING УСТАСИ

СОҲА
ҲАДИСИН
ОЛГАН

Гурлан туманидаги Эшимжирон қишлоғида яшовчи Жуманазар Бекмановга ҳар бир қишлоқдаги станция ва линиялар ёд бўлиб кетган. Оптик толалар кабеллар қаерда юқоридан, қаерда пастдан ўтганигача билади. Чунки барча станция ва линияларни ишга туширишда ўзи бош-қош бўлган. Жуманазарни излаб борганимда, тумандаги катта магистрал йўл бўйида ер ости кабелни ётқизаётган экан.

– Ёшлигимдан шу соҳага қизиққанман, дастлаб монтаж, кабелчи, қурилиш участкасида монтаж бўлиб ишладим, – дейди суҳбатдошим. – 1982 йилдан эса “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси Хоразм филиалининг Гурлан туман телекоммуникациялар боғламаси 2-тоифали муҳандисиман. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг “Ўз касбининг устаси” белгисига лойиқ кўрилганим, меҳнатларим муносиб тақдирлангани руҳимни кўтарди, янги лойиҳалар устида изланишимга туртки бўлди.

Масъулиятли, иродали ва камтарин бу инсонда соғлом ишчанлик муҳитини ярата олиш, ташкилотчилик, жамоа фаолиятини мувофиқлаштириш кўникмалари мужассам. У фаолияти давомига кўплаб хайрли ишларни амалга оширди. “Ўзбектелеком” АКнинг маҳаллий телекоммуникация тармоғини янги авлод тармоғи NGN технологиялари асосида модернизация қилиш ва ривожлантириш лойиҳаси доирасида Гурлан телекоммуникациялар боғламасида учта MSAN станцияси ўрнатилди ва уларни бир-бирига улаш учун 25 км. масофага оптик толалар алоқа линиялари ётқизиш ишларида бошчилик қилди. Шу боис абонентларга юқори тезликда интернет, видеотелефония, IT-телефония, интерактив телевидение хизматларини кўрсатиш имкониятлари яратилган ҳамда ушбу хизматлардан олинаётган даромадлар ошиб бормоқда.


Ўтган йили “Обод қишлоқ” дастури асосида тумандаги Эшимжирон қишлоғига режа асосида 3600 метр оптик толалар кабел ётқизилган бўлса, ҳозирги кунда туман марказидан 23-26 км. узоқликда жойлашган Гулистон, Чинобод, Вазир, Тахтақўпир қишлоқ ва маҳаллаларига ҳам шундай кабеллар ётқизилди. Бу каби ишларни янада кенгайтириб, аҳолига сифатли телекоммуникация хизматлари кўрсатиш борасидаги ишларида Жуманазар Бекманов ва унинг шогирдларига куч-қувват тилаймиз.

Давлатбой ЖУМАБОВЕВ,
фахрий алоқачи

➔ МУЛОҚОТ

ТАЛАБАЛАР БИЛАН
ДИЛДАН СУҲБАТ

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиалида вилоятдаги алоқа корхоналари раҳбарлари ва масъул ходимларининг талабалар билан учрашув-мулоқоти ташкил этилди.



Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳудудий бошқармаси бошлиғи Ҳалимжон Қурбонов сўзга чиқиб, мамлакатимизда ёшлар масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралаётгани ҳақида гапирди. Бу йўлда вазирлик ва ҳудудий бошқарма томонидан иқтидорли ҳамда ёрдамга муҳтож талабаларни, алоқа корхоналарида эса ўрнатилган кўрсатиб ишлаётган ёш кадрларни қўллаб-қувватлашга доир амалга оширилган ишларга алоҳида тўхталди. Шу жумладан, у “Ўзбектелеком” АК Фарғона филиалига қарашли бино мукамал таъмирланиб, март ойида талабалар тураржойи фойдаланишга топширалажагини, IT-марказлар ташкил этилиши каби маълумотлар

ни қайд этиб ўтди ва ёшларнинг қайси алоқа корхонасида ишлаш нияти борлиги, келажақ режалари ва мобил компаниялар ҳақидаги тасаввурлари билан қизиқди.

ТАТУ Фарғона филиали директори Акбарали Расулов таълимнинг кредит тизими моҳияти, аҳамияти, таълим сифатига кучли таъсири, шунингдек, курс ва битирув малакавий диплом ишлари реал самараси хусусида сўз юритди. Талабалардан амалиётни ўтаётган жойда қандайдир муаммоларни кўриш, уларни бартараф этиш билан боғлиқ таклифлар акс этган мустақил ишлар кутилаётганига эътибор қаратди. Қолаверса, кимдадир қандайдир гоёлар ва лойиҳалар бўлса инновацион ишлар бўйича директор ўринбосари Баҳромжон Жалиловга мурожаат қилишини айтиб ўтди. Зотан, эндиликда гоёларни молиялаштиришга муддатлар кўйилмаётти. Самаралари аниқ ва равшан бўлса, дарҳол молиялаштирилаётгани таҳсинга лойиқ.

Тадбирда талабалар WiFi зоналари камлиги, ваканциялар, Меҳрибонлик уйлари болаларининг ТАТУга кириб ўқишлари учун қандай ёрдам бериш мумкинлиги ва бошқа кўплаб саволларига компаниялар раҳбарлари ва мутасаддиларидан жавоблар олдилар. Моддий шарт-шароитини ҳисобга олиб, бир талабани иш билан таъминлашга, бир талабага шартнома тўловидан ҳомий топишга келишиб олинди.

Яқунда биринчи гуруҳ ногирони бўлишига қарамай ўзининг кичик бизнесини йўлга қўя олган талаба Дониёржон Маҳкамга сўз берилди. У тенгдошларини ҳаётдан завқ олиб яшашига даръат этди ва инсон ўзининг чексиз имкониятларини ишга солиб, ўзи ва жамият учун катта наф келтира олишидан сўзлади ва улкан марраларни кўзлаб яшаш қанчалар ҳайратланарли эканлиги акс этган шезрини ўқиб берди.

Ҳафиза САЛЯХОВА,
“Хабар”нинг Фарғона
вилоятидаги мухбири

КАСАБА УЮШМАСИ

ХОДИМЛАР БИЛАН ИШ БЕРУВЧИ ЎРТАСИДА КЎПРИК БЎЛИШИ КЕРАК

Яқинда "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали мажлислар зали ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Филиал касабаси уюшмаси қўмитаси аъзолари ҳамда унинг тизимидаги касабаси уюшмаси цех бошланғич ташкилотлари бу ерга Ягона жамоа шартномасининг 2019 йил якуни бўйича бажарилиши юзасидан ҳисобот-сайлов конференциясига йиғилдилар. Конференцияни Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси Юнус Фафуров олиб борди.



Йиғилишда ҳужжат алмашинуви ва назорат хизмати бошлиғи Фахриддин Камолитдиновнинг икки томонлама комиссия ахбороти юзасидан, филиал директори Фаррух Рустамовнинг иш берувчи ҳамда Жаҳонгир Абдимўминовнинг касабаси уюшмаси қўмитаси раиси сифатидаги Ягона жамоа шартномасининг 2019 йил якуни бўйича ҳисоботлари тингланди.

Маърузалардан шу нарса маълум бўлдики, мазкур филиалда 2020 йил 1 январ ҳолатига ишлаётган ходимлар сони 2 880 нафарни, ўртача ойлик иш ҳақи эса 3 724 153 сўмни ташкил этди. Корхонада ходимлар ижтимоий ҳимоясига жиддий эътибор берилган каттадан-катта рақамлар акс этган мисолларда намоён бўлди.

Маърузалар юзасидан қизгин музокаралар бўлиб ўтди. Унда иштирок этган электр таъминот ускуналари хизмати бошлиғи Улғубек Ядгаров, марказий телефон боғламаси бошлиғи Зиёвуддин Саидазимов, персонал

ни бошқариш хизмати бошлиғи Наргиза Гадоибоевалар сўзга чиқишди.

Конференция иши давомида филиал директори Фаррух Рустамов иш берувчи сифатида касабаси уюшмаси ишига баҳо берар экан, қуйидаги фикрларни билдирди:

— Жамоамизда уч минг нафарга яқин мутахассис фаолият юритар экан, уларнинг ҳар бири филиалда касабаси уюшмаси қўмитаси мавжуд эканлигини ҳис қилиб турмоғи керак. Менинг фикримча, одамлар орасида ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билиб, имтиёزلардан керагидек ортиқ фойдаланадиганлар ҳам, шунингдек, ўз соғлиғига эътибор бермай, жимгина ишлаб юрадиганлар ҳам бор. Бу дам олиш масканларига йўлланмалар беришда, айниқса, яққол кўзга ташланади. Баъзилар ҳар йили санаторийларда ўз саломатлигини тиклагани ҳолда, айримлар йиллар давомида бирор жойга бориб, дам олишни ҳаёлига ҳам келтирмайди. Касабаси уюшмаси қўмитаси ана шундайлар билан

шуғулланиб, йўлланмалар билан таъминлашлари лозим. Ваҳоланки, ходимлар нафақат ўзи, балки ота-оналарини ҳам дам олишга жўнатишлари мумкинлигини ҳамма ҳам билмайдилар.

Иш берувчи сифатида касабаси уюшмаси аъзолари чекка туманлар телефон боғламалари, яъни цехларда бўлиб, ходимларнинг иш шариоитларини мунтазам назорат қилишларини истар эдим. У ердаги оддий ишчилар қандай шариоитларда меҳнат қилишяпти, уларнинг нималарга эҳтиёжи бор? Корхона раҳбари сифатида уларга ҳар қандай ёрдамни беришга тайёрман. Касабаси уюшмаси қўмитаси ходимлар билан иш берувчини боғлаб турувчи кўприк вазифасини ўтамоғи керак.

Ўтказилган конференция ҳақида Юнус Фафуров ҳам ўз фикрларини билдириб, жумладан, шундай деди:

— Бугунги ҳисобот-сайлов йиғилиши Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси тизимидаги касабаси уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисидаги низомга қатъий риоя этилган ҳолда ўтказилди. Лекин иштирокчиларда фаоллик етишмади. Сизлар қайсидир боғламадан

келган касабаси уюшмаси вакилисиз. Ортингизда катта жамоа, у ерда ишловчиларнинг ўй-фикрлари, меҳнати турибди. Бу йиғилишда қатнашиб, қарорларга шунчаки қўл кўтариб ўтиришдан фойда йўқ. Сиз ходимларга шундай гамхўр бўлмоғингиз керакки, улар ўзларидаги муаммони сизларга айтишсин, ёрдам сўрашдан тортинмасин. Сиз эса уларга иш берувчи билан касабаси уюшмаси муҳрланган бандлар орқали ёрдам беринг.

Шундагина, раҳбарингиз айтганидай, ҳар бир ходим касабаси уюшмаси қўмитаси гамхўрлигини ҳис қилган ҳолда фаолият юритади.

Йиғилишда ташкилий масала ҳам кўрилди. Жаҳонгир Абдимўминов "ТШТ" филиали касабаси уюшмаси қўмитаси раислигига бир овоздан қайта сайланди.

Муборак МИРКАМОВА,
"Xabar" мухбири

Абадий сиймолар

УЛАРНИ ЖАҲОН ТАН ОЛГАН

Ўзбек мумтоз адабиёти узоқ ва тараққий қилган тарихга эга, унинг қаърида минглаб етук ижодкорлар, файласуф олимлар бор. Уларнинг ҳар бири алоҳида бир хазина, десак тўғри бўлади. Аммо серқирраликда, сермаҳсулликда, бадиий баркамолликда Алишер Навоий ҳамда Заҳриддин Муҳаммад Бобур ижодлари бетакрор, бебаҳодир. Улар серқирра иқтидор соҳиблари бўлсалар-да, мумтоз адабиёт тарихидаги хизматлари алоҳида ажралиб туради.



Яъни, Навоий мумтоз адабиёт тарихида лирик, эпик поэзияни энг юқори чўққига олиб чиққан бўлса, Бобур ўзбек насри тараққиётида янги саҳифа очди.

Европада шундай гап бор: Гёте ва Шекспир ижодини билмаган инсон зиёли саналмайди. Ушбу фикрга монанд қилиб, буюк боболаримиз ҳақида мазкур фикрга ўхшаш шундай гап айтиш мумкин: Ўзбекистонда Навоий ва Бобурни билмаган одам зиёли саналмайди. Чунки

улар умуминсоний қадриятларни куйлаган, жаҳон тан олган ижодкорлардир.

Бугунги кунда Навоий ва Бобур ижодини ўрганишга бўлган қизиқиш кундан-кунга кучайиб борапти. Ўзбекистонликлар улуг боболари ижодини ўрганишга жиддий киришганлар. Республика-миз миқёсида бу икки улуг зот таваллудига бағишланган маданий-маърифий тадбирларнинг мунтазам ўтказилиб келинаётгани ҳам буюк боболаримизга бўлган улкан ҳурмат нишонасидир.

Ана шундай тадбирлардан бири яқинда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги академик лицейда ҳам ўтказилди. "Абадий сиймолар" деб номланган мазкур

анжуманда адабиётимиз даргалари саналган бу икки улуг зот — Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур қаламига мансуб ғазаллар, бу ғазалларга бастанган куй ва қўшиқлар ўқувчилар томонидан моҳирона ижро этилди.

Бобурнинг Ватан соғинчига бағишланган саҳна кўриниши барчага бирдек манзур бўлди.

Иштирокчилар тадбир давомида Навоий ва Бобур каби ижодкорлар, энг аввало, ўз халқининг асл фарзанди, миллатнинг фахри ва ифтихори бўлиш билан бирга, бир мамлакат, бир миллат доирасидан чиқиб, умумбашари аҳамият касб этган инсонлардир, деган фикрга келишди.

Ўз мухбиримиз

6 | МЕЖДУНАРОДНОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО

ВСТРЕЧА С ЧРЕЗВЫЧАЙНЫМ И ПОЛНОМОЧНЫМ ПОСЛОМ ИНДИИ В УЗБЕКИСТАНЕ



24 февраля в Министерстве по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан состоялась встреча с Чрезвычайным и Полномочным Послом Индии в Узбекистане Сантошем Джа.

Первый заместитель министра по развитию информационных технологий и коммуникаций О.Умаров подчеркнул большое внимание и практические усилия посла Индии в нашей стране Сантоша Джа по развитию информационных техно-

логий в Узбекистане. Он также отметил растущий интерес к узбекскому рынку, сославшись на объединяющие факторы двух стран.

В ходе встречи стороны обсудили вопросы двустороннего сотрудничества в области государственного управления и продвижения инноваций в реальном секторе экономики, стимулирования роста цифровой экономики, в том числе внедрения интегрированных автоматизированных систем управления производством,

создания благоприятных условий для развития электронной коммерции.

Также был обсужден вопрос о расширении технопарков и коворкинг-центров, инвестиционные проекты, связанные с реализацией совместных проектов в Узбекистане с ведущими индийскими компаниями по кибербезопасности и модернизации сетей, разработке программных продуктов, информационных систем и ресурсов.

Стороны отметили большой потенциал для развития сотрудничества между Узбекистаном и Индией в области информационных технологий и выразили готовность приложить все усилия для его укрепления.

В ходе встречи стороны обсудили перспективные направления, представляющие взаимный интерес, в том числе обмен опытом в области ИКТ, расширение сотрудничества и другие важные вопросы.

ДЕЛЕГАЦИЯ УНИВЕРСИТЕТА НАУКИ И ТЕХНОЛОГИЙ (UST) ЮЖНОЙ КОРЕИ ПОСЕТИЛА ТУИТ

18 февраля Ташкентский университет информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразми посетил делегация Университета науки и технологий (UST) Южной Кореи.



В ходе встречи обсуждались возможности обучения молодых ученых и студентов ТУИТ в магистратуре и докторантуре (PhD) Университета науки и технологий (UST) Южной Кореи.

Кроме того, состоялся семинар с участием молодых ученых и одаренных студентов ТУИТ. В рамках семинара профессор Университета науки и технологий Шанг-Гёо Шим дал подробные сведения об университете и рассказал о созданных в вузе условиях.


НА ЕПИГУ ВНЕДРИЛИ ВОЗМОЖНОСТЬ СООБЩАТЬ О НАРУШЕНИЯХ ПРИ ПОЛУЧЕНИИ ГОСУДАРСТВЕННЫХ УСЛУГ

Единого портала интерактивных государственных услуг (ЕПИГУ) получили возможность сообщать о нарушениях в процессе получения госуслуг, оказываемых государственными органами.

Речь идет о нарушениях сроков предоставления услуги, отклонения заявки или так далее. Пользователи могут зайти в раздел "Мои заявления" и выбрать то, по которому имеются претензии.

В открывшемся окне "Хронология действий" надо нажать на специальную кнопку "Сообщить о правонарушении". Ответственные сотрудники Агентства государственных услуг получат уведомление и обеспечат устранение правонарушения.

Там же напоминает, что согласно ст. 2155 Кодекса об административной ответственности нарушение законодательства в сфере оказания государственных услуг влечет наложение штрафа на должностных лиц и служащих от трех до пяти базовых расчетных величин.



ОБРАЗОВАНИЕ

МНО ЗАПУСТИЛО ИНФОРМАЦИОННУЮ СИСТЕМУ ПРОВЕДЕНИЯ ОНЛАЙН-ОЛИМПИАД И ФОРМИРОВАНИЯ БАЗЫ ДАННЫХ ОДАРЕННЫХ УЧЕНИКОВ

В целях реализации задач определенных в обращении Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису направленных на развитие науки, просвещения и цифровой экономики, Министерством народного образования была создана информационная система "Проведения онлайн олимпиад и формирования базы данных одаренных учащихся" – olympiad.uzedu.uz, для учащихся общеобразовательных учреждений, академических лицеев и профессиональных школ.



Министерство народного образования провело презентацию данной информационной системы 21 февраля в пресс-клубе Союза молодежи. Целью информационной системы является повышение интереса учащихся к овладению знаний, поддержка их творческой деятельности, предоставление дополнительных научных материалов, оценка полученных знаний, создание возможности мониторинга результатов олимпиад.

Онлайн-олимпиады предназначены для учащихся 4–11-классов общеобразовательных школ, академических лицеев и профессиональных колледжей по математике, физике, химии, биологии, а также информатике и информационным технологиям. Учащиеся могут участвовать в олимпиаде добровольно и на бесплатной основе. Для этого участники должны зарегистрироваться на сайте olympiad.uzedu.uz и получить подтверждение руководства своего учебного заведения. Расписание проведения онлайн-олимпиад также анонсируется на сайте olympiad.uzedu.uz.

Задачи онлайн-олимпиады состоят из 20 контрольных вопросов различной степени сложности, на выполнение которых выделяется один час времени. Онлайн-олимпиада координируется Департаментом по работе с одаренными учащимися по предметным олимпиадам Министерства народного образования.

Объявление 2020 года – "Годом Развития науки, просвещения и цифровой экономики" свидетельствует о том, что Президент Республики Узбекистан уделяет большое внимание образованию. Также, на этот год поставлены цели развития таких предметов, как математика, биология, химия и геология. Новая информационная система онлайн-олимпиад внесет вклад в развитие науки, а также для выявления талантливой молодежи, – отметил заместитель министра народного образования Дилшод Кенжаев.

Напомним, что 3 мая 2019 года Президентом Республики Узбекистан было принято постановление "О мерах по организации непрерывной системы выявления одаренной молодежи и подготовки высококвалифицированных кадров". Данное постановление было принято с целью сделать учащихся активными участниками проводимых реформ, повысить их интерес к развитию науки, расширить участие в научной и творческой деятельности, широко известной в мире. В то же время в постановлении определены новые механизмы поощрения одаренной молодежи.

ҲАВАС ҚИЛГАН ЕТАР МУРОДГА

Алоқа соҳаси ривожига ҳисса қўшаётган бир гуруҳ фаол ва ташаббускор ёшлар яқинда вазирликнинг ташаккурномаларига сазовор бўлган эди. Улар орасида "Ўзбекистон почтаси" АЖ Фаргона филиали бош ҳисобчиси **Ойбек РАҲИМЖОНОВ** ҳам бор. Ҳўш, вазирлик эътиборига тушган бу ёшларда қандай фазилатлар устувор экан? Ойбек билан суҳбат асносида ана шу саволга ҳам жавоб топгандай бўлдим.

Авалло, у, мен Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг магистратурасини тугаллаб келдим, демади. Раҳбарият қаерга қўйса, қайси вазифани топширса, сидқидил ишлайверди, иш ўрганаверди. Баъзан уйига тўртта транспортда борадиган олис манзилга ҳам катнаб ишлади.

Топқир, мулоҳазакор, тadbирли, журъатли — ундаги кўзга ташланадиган фазилатлар. Магистратура заҳматларини чеккан инсон аслида ҳам шундай хислатлар соҳиби бўлиши табиий, албатта.

Илм дунёсига кириб боришида, салоҳиятини ишга солишда устозлик қилган Наргиза Юлнова ва Наргиза Иминовалардан ҳар қанча миннатдор бўлса, арийди. Уларнинг рағбатли ширин сўзлари, йўл-йўриқлари боис қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтди. "АКТ соҳасида маркетинг тадқиқотлари" магистрлик ишини ёруғ юз билан ёқлашга му-

ваффақ бўлди. Иш фаолияти бошланганда ҳам кўмакка эҳтиёж сезаркан одам. Муродил Маҳмудов, Алижон Ибрагимов, Расул Қамбаровларнинг беминнат ёрдамлари сабаб дастлабки қийинчиликларни тезда орта қолдирди. Зотан, жонқуяр устоз бор экан шогирд танлаган йўлидан адашмайди. Ҳар ишга ёшлик эҳтироси билан эмас, устоз кўзи билан ҳам қарайди. Уларга ҳавас қилди, ибрат мактабидан баҳраманд бўлди. Ростини айтганда, Ойбекжоннинг ҳаёти ҳамisha ҳавасларга ва ҳайратларга лиммо-лим бўлган. Мактабда ўқиб юрган кезларида тоғаси, йирик корхонада мастъул лавозимда ишловчи Собиржон Сатторовга, ички ишлар академияси ўқитувчиси Садирдин Исомиддиновга, Бағдод тумани бумумтаълим мактабида ўқиган барча таниқли инсонларга ҳавас билан қаради. Улар билан учрашувларни зўр ҳаяжон билан кутар, мен ҳам уларга ўхшаган инсон бўламан, деб дилига тугиб қўярди. Қарангки, ҳавас қилган етар муродга, деганлари бежиз эмас экан! Магистратурани тугаллаганда, вазирлик ташаккурномасини қўлга олганда дилга туканлари амалга оша бошлаганини юракдан хис этди. Рағбатда ҳикмат кўп экан. Ҳайратига ғайрат қўшилди.

"Отанга раҳмат!" деган дуо-



ларни эшитиш бахтига ҳам етказди. Отаси Холмирза Тожибоев Бағдод тумани қишлоқ хўжалик касбхунар коллежида директор ўринбосари, онажониси Юлдуз Тожибоева бумумтаълим мактабида она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси. Улар ҳамма фарзандларини олий маълумотли қилишган. Кенга қизлари ҳам университетга филология йўналишига ўқишга кириш учун тайёргарлик кўрмоқда. Ойбекнинг зиёли оилада қалом тоғланлиги ҳар қадамда, ҳар бир ишида яққол намоён бўлиб келмоқда. Энди ўсимлар унга ҳавас билан боқмоқда.

— Ҳа, Ойбек бош ҳисобчи қандай бўлиши кераклигини исботлади, — деди филиал дирек-

тори ўринбосари Алижон Мелиев. — Илмини амалда қўллаётгани натижалари кўп куттирмаяпти. Муҳими, у тadbирли ёшлари мизнинг ҳар бири нимага қодирлигини, уларнинг қай бир тақлифи қандай самара беришини ўшалардан кам билмайди. "Мунис" лойиҳасининг беҳато олиб борилаётганида ҳам унинг хизматлари катта.

Айни кунларда филиал фаолиятига янгидан-янги хизматлар кириб келмоқда. Коммунал тўловлар, ички ишлар жарималари, автомашиналар техник кўриқлари тўловлари қаторига мол-мулк солиғи, ер солиқлари, кадастр хужжатларини тайёрлаш учун, боғчага, нотариусга тўловлар

каби хизматлар қўшилди. "Ягона дарча" тўловлари барча боғлама ва бўлимларда қабул қилинмоқда. Бир сўз билан айтганда, бутун мамлакатимизга ҳамоҳанг тарзда почта соҳасида ҳам катта ўзгаришлар бошланиб кетди. Ҳадемай жамият томонидан боғламаларнинг хабарчилари планшет ва скутерлар билан таъминланади. Тўловларни хабарчилар жойида электрон тарзда қабул қилаверадиган бўлади. Тизимдаги яна бир қувончли воқеа бухгалтерия ҳисобини юриштишда 1 С 83 дастури жорий этилди — тўловлар шаффофлашди, камоматлар барҳам топади! Айниқса, серқатнов, гавмух ҳудудларда кўчма алоқа бўлимлари очилишини айтинг. Ишчи ўринлари яратилибгина қолмай, даромад ҳам ошадигани дегани бу!

Янгиланаётган почта зиммасида янги ғайрат билан ишлаш мажбурияти кўндаланг турибди. Жамият раҳбарияти талаби қатъий: "Ҳамма почтачи айтишниқ бўлсин!" Бунинг учун ўқув курслари ишлайди. Рақобатга дош берганларгина почтада қолади. Ойбек каби шижоатли ёшлар бор экан, почтанинг зарҳал ҳарфлар қайд этиладиган йиллари бошланди, десак бўлаверди.

Ҳафиза САЛҲОҶОВА,
"Xabar"нинг Фаргона вилоятидаги мухбири

Бугун ўз иқтидори, билими билан юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган ёшлар жуда кўп. Уларнинг муваффақиятларини икки муҳим омил билан боғласак тўғри бўлади. Бунда биринчи омил: ёшларнинг иштиёқи кучли бўлган соҳага иқтидори ва қобилиятини тўғри йўналтириш, билимларини бойитиш йўлида изланиш, халқаро тажриба ўрганиш орқали фаолият кўламини кенгайтиришдир. Иккинчи омил эса юртимизда ёшлар масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, уларнинг қўллаб-қувватланаётгани. Улуғбек Ҳасанов мана шу муҳим омиллар қанот бўлган истиқболли порлоқ ёшларимиздан.

Илк иш фаолиятини 2-босқич талабалигидаёқ "ALSKOM" суғурта компаниясининг Тошкент шаҳар филиали стажёри лавозимидан бошлаган Улуғбек ҳозирда мазкур компаниянинг "Суғурта захиралари ва қайта суғурта" департаменти директори лавози-

ФАОЛЛИК РАҒБАТИ



мида фаолият олиб бормоқда. Ёш бўлишига қарамай танлаган соҳасининг ўзига хос томонларини ўрганиш борасида изланишлардан чекинмайдиган Улуғбек иш фаолиятида Тошкент молия институти, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида олган билимларининг ўрнини беқиёс, деб билади. Ва у билим, ишонч, ижодкорлик, садоқат, интизом, ҳалоллик ва меҳнатсеварлик, масъулият ва ҳушмуомалаликни хизмат вазифасининг

ажралмас қисми керак бўлса, қатъий талабига айлантирган. — Компаниядаги фаолиятим давомида катта профессионал ютуқларга эришдим, — дейди Улуғбек Ҳасанов мамнуният билан. — Жумладан, ёшқарув профессионализи, ўзгаришларга мослашувчанлик, лидерлик, тизимли фикрлаш қобилияти, ишга ижодий ёндашув, оперативлик (ўз вақтида тезкор қарорлар қабул қилиш) каби муҳим сифатларни ўзимда шакллантира олдим.

Қаҳрамонимизнинг бу сўзлари шунчаки баландпарвоз гаплар эмас, балки ўзига ниҳоятда талабчан ёш мутахассиснинг муҳим ва асосли хулосаларидир. Ўзро сўхбат чоғида Улуғбек келажақдаги режалари ҳақида ҳам ўртоқлашар экан шундай деди:

— Ҳозирда ахборот-коммуникация технологиялари деярли барча соҳаларга кириб улгурди. Бу жараёнинг ривожланиб боришида киберхавфнинг салмоғи ортиб, бунинг оқибатида иқтисодий зарарлар келиб чиқиши мумкин.

Мазкур хавфни бартараф этиш бўйича Президентимизнинг 2019 йил 2 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Ўзбекистонда киберхатарларни суғурталаш амалиётини жорий қилиш вазифалари белгиланган.

Ўзбекистонда ахборот хавфларини суғурталаш жараёни 2008 йилда "ALSKOM" суғур-

та компанияси томонидан бошланган ва ҳозирги вақтга қадар нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиё суғурта бозорида ягона ҳисобланади. Ҳозирда мазкур суғурта маҳсулотини амалга татбиқ этишда қатор муаммолар мавжуд. Мазкур муаммоларни тизимли равишда бартараф этиш юзасидан "Киберхатарларни суғурталаш" мавзусида (PhD) докторлик диссертациясини ёқлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйганман.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ ёшлар тақдирланди. Улуғбек Ҳасанов ҳам бу эътибордан четда қолмади.

Юртимиз эртаси илмли, тафаккури кенг, интилиш-иштиёқи балинд, Улуғбеклар тим-солида ёруғ кўринади. Ва қалбан келажақ ишончли авлод қўлида эканлигидан фахр туя-миз.

Гулноза ТУРҲУНБОЕВА,
"Xabar" мухбири

ЭНГ ДАРДЛИ МУАММОЛАРДАН БИРИ

Неварам алоқа соҳасига қизиққанлиги боис, мана иккинчи йилдирки, "Xabar" газетасига обуна бўлади, ундаги мақолаларни синчиклаб ўқийди, билмаганларини урганади. Шу тариқа ундаги ахборот технологиялари соҳасига бўлган қизиқиши янада кучайиб борапти.

“Мени хафа қилган нарса бошқа, устоз. Бир куни пойтахтга бориш учун бекатда машина кутиб турсам, турмуш ўртоғим менинг пулимга келган машинага уч-тўрт нафар ҳамкасб аёлларини ўтқазиб, ўтиб кетди. У аёллар суҳбати билан шунчалар банд эдики, ҳатто мени пайқаммади ҳам.

Газетани мен ҳам маза қилиб ўқиб чиқаман, ахир муталаа биз пенсионерлар учун жуда муҳим. Шу тариқа ақлимизни ишлашга мажбур қиламиз, энг муҳими, ҳаётини тажрибаларимиз асосидаги фикр-мулоҳазаларимиз битилган мактубларни таҳрирларга жўнатиб, бошқаларнинг фойдаланишлариغا имкон яратамиз.

Тажрибали, ўзининг чуқур билими ва қутилмаган ташаббуслари билан Тошкент вилояти педагогларига ҳаммиша намуна бўлиб келган Дилором опа Раҳимованинг “Фаровон кексаликка бугун замин яратинг” сарлавҳали мақоласини қизиқиш ва ачиниш билан ўқиб чиқар эканман, устоз муаллима ҳамон ёшлар келажаги учун фидойи эканлигига амин бўлдим. Зеро, мақолада кўтарилган масала ҳалқимиз олдида турган энг дардли муаммолардан биридир.

Бизнинг туманимизда ҳам Россия, Литва, Америка Қўшма Штатлари, Туркия каби давлатларда ишлаб келаётганлар кўп. Уларнинг кўплари эркаклар. Улар ичида оиласини аёлига ташлаб, бир неча йиллаб келмаётганлари, ҳатто, минг аф-

суски, бедарак кетганлари ҳам бор. Аёл фарзандларини ўзи воёга етказишга мажбур. Бундай оилалардаги болаларда ота тарбияси етишмайди, улар ичида турли ножоиз ишларни қилаётганлари ҳам бор. Энди аёл кишининг оиласидан узоқда бир неча йиллаб қолиб кетиши эса ҳеч қандай қолипга сиймайди.

Тўғри, бой-бадавлат яшаш яхши, қанчадан-қанча ана шундай инсонлар муҳтожларнинг мушуқулларини осон қилишяпти, қийналганларга кўмак беришяпти. Лекин пул топишда ҳалолликни унутмаслик керак. Уша фарзандларини турмуш ўртоғига, ота-онаси, ҳатто кўшниларига ташлаб, ишлагани кетганлар ичида ҳам оғир меҳнат қилиб, пешона тери эвазига пул топаётганлар кўп. Лекин улар энг муҳим нарса — оналик вазифасини унутиб қўйишяпти. Ваҳоланки, оналик, агар тирноққа зор юрганлар борлигини ҳисобга олсак, ҳар бир аёлга ҳам насиб қилавермайдиган буюк мартаба. Бу мартабанинг қадрига етмоқ, вазифасини тўла-тўқис бажармоқ лозим.

Шундагина, Дилором опа айтганидек, бугун фарзандлари тарбияси билан банд она ўзи учун файзли кексаликни яратаётган бўлади. Аксинча бўлса-чи...

Яқинда кўшни маҳаллада яшовчи бир аёл хориждан қайтиб келди. У ишлаб толган пул-

ларини оиласига жўнатаверди ва эри бу пулларга қимматбахо машина олди, янги уй қурди, фарзандларининг олий ўқув юртурларига ўқишга киришига шароит яратди. Лекин ўн йилга яқин оиласидан узоқда ишлаб, энди уйига қайтган уй бекасига буларнинг ҳеч бири татимасди. Кетишида вужудидан куч ёғилиб турган аёлни қайтиб келгандаги аҳволи ачинарли эди. Жуда озиб кетган, юришда-да мадори етмасди. Ўзи ишлаган жойдаги дўхтирлар “Сизни даволаб бўлмайди, яхши-ни, юртингизга кета қолинг”, дейишибди. У менинг собиқ ўқувчим бўлганлиги боис кўрган-нимда, шу нарса керакмиди сенга, дея койдим. Шунда у ўзи тўлиб турган эканми, дардини тўкиб солди. “Мен нотўғри иш қилганлигимни энди тушундим, устоз, — деди у. — Саломатлигимдан ташвишланмайман. Хориж, хориж деймизу лекин ўзимизнинг дўхтирларга етадигани йўқ экан. Пойтахтга бориб, шифокорга учрасам, УЗИ текширувидан ўтказди ва, оғир иш қилганмисиз, опа, деб сўради. Мен унга 90 килограммга яқин вазндаги кампирни ногиронлик аравачасига ўтқазиб, кўча айлантлар, хонасига олиб кириб туширар, хуллас, унинг ҳамма талабларини бажарар, инжиқликларига чидардим, дедим. Шунда шифокор у ердаги врачлар нотўғри таъхис қўйишибди. Сизга қилаётган ишингиз оғирлик

қилиб, қорин пардангиз йиртилган. Энди сизга икки килограммдан оғир юк кўтариш мумкин эмас. Қорнингизни банд билан тортиб юрсангиз бўлди, ҳадемай тузалиб кетасиз, деди. Хурсандчилигимдан йиғлаб юбордим. Фарзандларимни уйли-жойли қилишим керак, ахир. Мени хафа қилган нарса бошқа, устоз. Бир куни пойтахтга бориш учун бекатда машина кутиб турсам, турмуш ўртоғим менинг пулимга келган машинага уч-тўрт нафар ҳамкасб аёлларини ўтқазиб, ўтиб кетди. У аёллар суҳбати билан шунчалар банд эдики, ҳатто мени пайқаммади ҳам. Биласизми, дилим шунчалар оғридики, ҳозиргача ўзимга кела олмайман”.

Ҳамсуҳбатимга ўзимча таскин бергандай бўлдим. Сен аввало ўзингни ўйла, дедим унга, ҳали олдинда катта ишлар турибди. Қуда-андаларинг билан муомала қилиш, неваро боқиш учун ҳам куч керак, ахир. Бунинг учун яхшилаб даволанмоғинг лозим.

Уни кузатиб қолар эканман, жабрдийда аёлга ич-ичимдан ачиндим. Шу сабаб, Дилором опанинг фикрларига қўшилган ҳолда Аллоҳ азиз қилиб яратган муҳтарам аёллар ўз обрўсини, соғлиғини сақлашлари, бунинг учун эса ақл билан ўйлаб, бирор қарорга қилишларини истар эдим.

Марҳамат ОРТИҚОВА,
Оққўрғон тумани

ЎЗИМИЗДА ҲАМ ИМКОНИЯТ БОР-КУ!

ни жой-жойига қўйиб, тежаб-тергаб сарфлайди, эрининг бирини икки қилади, фарзандларини эл қорига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялайди.

Ҳаёт бир текис бўлмаганидек, бизнинг оиламизда ҳам болалар воёга ета бошлагач, моддий томондан етишмовчиликлар бошланди. Унинг қайси бирига янги кийим, бошқасига яна нималардир керак бўлаверди. Шунда турмуш ўртоғим “Нима дейсан, онаси, мен ҳам Россияга бориб ишлаб келсаммикин?” деб қолди.

Мен эса қатъий қарши чиқдим. Болалар айни ўтиш ёшида бўлса, уларга отанинг қаттиққўллиги жудаям керак-ку! Отанинг ўрнини ҳеч ким боса олмайди. Яхшилаб ўйлаб кўрайлик, бирор чораси топилиб қолар, дедим.

Эртасига ўзаро фикрлашиб, ҳукуматимиз фуқаролар учун яратиб қўйган шароитдан фойдаланишга қарор қилдик ва банкдан кредитга пул олдик. Борздордан бир нечта соғлом буқачалар сотиб олдик. Яхши парварош қилинса, улар тез ўсар экан. Бир йил боққанимиздан сўнг, уларнинг биттасини сотиб, қарзимиздан қутулдик. Қолганлари фойдага қолди.

Ҳозир турмушимиз ёмон эмас, рўзгоримизда ҳамма нарса бор, ейишида бировдан кам эмасмиз. Инсон хотиржам яшаш учун булардан ортиқ яна нима керак?! Яқинда қизимизни турмушга берган эдик, энди келин тушириш ҳаракатидамиз.


Демоқчиманки, яхши пул топиб, фаровон яшаш учун хорижга бориб, фарзандларидан узоқлашиш шарт эмас. Ишлайман, яхши яшайман деганга ўзимизда ҳам шароит бор. Фақат тер тўкиб, меҳнат қилиш талаб этилади, холос.

Муҳаббат ҲУББИЕВА,
Бўка тумани

“Xabar” газетасининг 14 феврал, 7-сонида эълон қилинган “Фаровон кексаликка бугун замин яратинг” мақоласини қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Ўқитувчи барибир кексаликда ҳам педагоглигига борар экан-да, ўзи неваро, чеваралари ардоғида тақдирдан мамнун яшаётган бўлса-да, халқ гами, эл тақдирини ўйлабди.

Ҳақиқатан ҳам эркак оиланинг устуни бўлса, аёл хонадоннинг файзи, осийишталигидир. Аёл бор экан, бу кичик ватан гуллаб-яшнайдеради. Яхши аёл турмуш ўртоғининг топгани-

**У яна гужанак бўлганча
огриқнинг зўрига чидолмай
нигради. Эшиқнинг ҳалини
ташқарисидан
тамбалаганининг кўриб
хафсаласи ипр бўлди. Неабий
тишларини гижирлатди: “Бу
сафар аниқ ўлиб қоламан,
анавини қаердан бўлсан
топмасан, ахдопли чатоқ” деб
ўйлади. Ҳозир унинг хаёлини
ўша заҳри қотилдан бошқа
нарсга эганмаганди.**



ГИЁҲВАНДИНИНГ СЎНГГИ КУНЛАРИ

Жавҳарбек оилада якка-ю ёлғиз ўғил бўлиб, ўзига тўқ хонадонда ўсганди. Отаси шаҳарма шаҳар юриб бизнес қилар, онаси эса ҳеч қаерда ишламас, уйда ўтириб эрининг тогганини лата-путта, тақинчоққа сарфлаб, гуё ҳаёт фақат бойлик билан қизиқдек ўзини хурсанд қилиб яшарди. Уларнинг бирдан-бир овунчоқлари мана шу якка-ю ёлғиз ўғиллари эди. Шунинг учун эрка ўғилнинг айтгани айтган, дегани деган бўлиб, сиртдан қараганда Жа-вҳарбек ҳамма нарсаси муҳайё, ҳеч нарсадан кам-қусти йўқ, болалиги осуда ўтаётган энг бахтли болалардан бири эди гуёки. Лекин Жавҳарбек ёшлигидан ҳеч нарсга зориқмасдан ўсган бўлса-да, унинг доим кўнгли кемтик эди. Чунки отасини ҳафтада, гоҳида ойда бир кўрар, ҳеч отасининг бир оила бўлиб жамул-жам дастурхон бошида ўтирганини ҳам эслолмайди. Жавҳарбек ҳам бошқа тенгдошлари қатори отаси билан қаерларгадир боргиси, дилдан гаплашгиси келар, лекин отаси ўғлига бўлган меҳрини фақат пул билан исботларди. Аммо кўнгли кемтиклигини пул билан тўлдириб бўлмас экан. Жа-вҳарбек яхши кийингани, доимо чўнтагида пули бўлгани учун унга дўст бўлишни истайдиганлар жуда кўп эди. У балоғат ёшига етганда ана шундай кўнглини очса бўладиган “дўстлар” топди. Унинг осуда, тинч ҳаёти ана шу дўстлари орқали саргузашту кўргилликларга бой бўлди. “Нега ҳаммаси шундай бўлди?” ўйлади у. Ахир бошқа тантиқ, эрка болалардек “мактабда ўқимайман”, деб хар-хаша қилмасди. Ҳамма фанлардан аъло баҳога ўқиди. Хулқи ҳам яхши эди. Нафиса исмли симфодо-шини яхши кўрарди. Доимо отасининг меҳрига зор бўлиб ўсган Жавҳарбек мулоҳазали йигит бўлгани учун Нафиса ҳам уни ёқтирарди. Ҳа “дўстларга” йўлиқ-қарч эса унинг характерида, руҳиятида ўзгариш пайдо бўлди. Отасига нисбатан норозилик кучайди. Серзарда бўлиб қолди. “Дўстлари” айтганидек отасининг бошқа оиласи борлигига аниқ ишонди. Яхши кўргани Нафиса эса...аввалига йигитнинг гиёҳванд

бўлиб қолганини билиб қолгач қарахт бўлиб қолди. Лекин қиз муҳаббатидан осон кечиб бўлмаслигини ҳис қилгач, йигитга шарт қўйди. “Агар ўзингизни даволат-масангиз мен сиз учун йўқман” деди. Лекин Жавҳарбек давола-нишга ваъда берди-ю ортага су-равериб игна олишгача етиб борди. Мана уч кундирки у уй қамоги-да. Отаси Россиядан қайтган та-ниш, тажрибали шифокорларга кўрсатиб даволатмоқчи. “Ҳозир озгина бўлса эди” ўйлай бошла-ди у “кейин майли даволашнига розиман”. “Ойи”, деди у бор ово-зи билан эшиқни мушглаб. Бир-пасдан сўнг Жавҳарбекнинг ой-иси эшик ёнига келди.

— Ойи мени эшитаяпсизми, — деди йигит овози қалтираб.

— Болам эшитаяпман. Қани дардинга даво тополсам ўғлим.

— Эшиқни очинг. Мен билан гаплашинг, ахир сиздан бошқа мени ким тушунади, ким...

Она, онаизорда кўнгли бўша-ди. Кўзи ёшга тўлди:

— Очсам тўполон қилмайсан-ми, анавиндан топиб бер деб.

— Йўқ, ваъда бераман тўпо-лон қилмайман. Фақат, фақат сиз билан гаплашиб ўтироқчиман. Ахир шунга ҳаққим бордир.

Она ўлининг гапига ишонди. Жигари билан чин дилдан она — болага ўхшаб гаплашгиси келди. Эшиқни очди. Ўғли онаси кутга-нидек тўполон қилмади. Фақат югуриб тепа қаватга чиқиб кетди. Игнага ўтиргандан бери чекади-ган нашага ҳожат қолмаганди. Энди эса ўшанга ҳам зор. Яхши-ям яшириб қўйгани, жойида тур-ган экан топиб олиб, чекди. Хай-рият хумори сал босилганди бўлди. Онаси тепага чиққанда ўғлининг “сигарет” чекиб ўтир-ганини кўриб кўнгли хотиржам тортиди. Оёқларини керганча де-ворга суяниб ўтирган ўғлининг ўнига келиб бошини силади:

— Жуда қийналиб кетдинг. Даволансанг ҳаммаси бошқача бўлади. Ҳаётингни бошқадан бош-лайсан. Уйланасан. Невараларимни ўзим кўтариб катта қиламан. Фа-қат сен яхши бўлиб кетсанг бўлди. Сендан умидларим катта.

Негадир нашанинг таъсири-данми йигитнинг миясидидаги ту-ман қоплагандек бўлди. Негадир

доимо “қачонлардир қайтадан дунёга келсам ҳеч қачон бу ха-томни такрорламасдим” деган умидли ўй уни тарқ эмасди. Она-сининг тиззаларига бошини қўйди:

— Ойижон эсингиздами бо-лалигимда дадамми соғиниб йи-глаган пайтларим сиз мени парк-ка олиб борганларингиз.

— Эсимда, эсимда кейин бир пой туфлингни йўқотиб қўйган-динг. Даданга йиглаб айтганин-да ўшандай туфлининг уч жуф-тини олиб келганди.

— Мен ўшанда туфлиларим-нинг кўпчилигига эмас, дадамнинг келганига хурсанд бўлганман. Нафисани яхши кўрардим. У ҳам эрга тегиб кетди.

— Ҳали ундай қизлар дарахт-ни тепсанг ёғиласи. Сен дам ол. Ахволингни қара, кимга ўхшаб қолдинг. — деди онаизор ўғли-нинг озиб, соқоллари ўсиб кет-ган чехрасига изтироб билан қараганча. — Худди тарки дунё қилган одамга ўхшайсан...

Йигитнинг миясини катта бир курт кемираётгандек боши гувил-лай бошлади. Энди тушкунликка туша бошлади. Негадир унга ҳамма душмандек кўринаётган-ди. Чеккан “сигарета”сининг кай-фи унча узоққа бормади. Яна бо-яғи огриқ аъзои баданини қақшати. Яна кўзига ҳеч нарсга кўринмай қолди. Титраб қақшаган-ча, огриқнинг зўридан тишлари-ни гижирлатди. Унинг хаёлида қаердан бўлса ўша кучлисини топишдан бошқа ўй йўқ эди. Ота-си унинг гиёҳванд эканлигини билгандан бери пул бермай қўйди. Онасининг пули турадиган хона ҳам кулф. У пастга тушди. Ошхона-да қуймаланаётган онасининг олдига борди. Ўғлининг ранги оқариб, кўзлари бежо бўлгани-ни кўрган онасининг юраги шу-виллаб кетди. “Яна ломжаси бош-ланди шекилли” ўйлади у.

— Ойи, ойиии менга пул бе-ринг, — деди у ингрқо товушда.

— Ҳозиргина бинойидай эдинг. Яна бошландими?

— Бу охиригиси бўлади. Даво-лангунимча шу нарсани истеъмол қилмасам ўли-и-и-б қоламан.

— Даданг эрталаб келади. Чи-дагин энди. Яна озгина қолди.

— Чидолмайман, пул берасиз-

ми ўзи, йўқми?

— Беролмайман ўғлим, — деди онаси иложи борича вази-ятни юмшатишга уриниб.

Онаси унинг кўзига балодай кўриниб кетди. Онаси уни яхши кўрармиш. Яхши кўрса боласи-нинг шундай қийналаётганини кўриб пулини аяйдими? Булар-нинг бари душман.

— Тезроқ ўлсам қутуласизми, шуми ниятингиз, — деди жон ҳолатда бақириб.

Ўғлининг қон тўлган кўзига қараб онани ваҳима босди.

— Жон ўғлим нималар деп-сан. Мен сенинг, яккаю ёлғиз ўғлимнинг ўлишига жим қараб тураманми?

Онаси ўғлини шаштидан қай-тариш учун яқинлашганди, шун-да...шунда у онасини турткилаб юбордию халатини титкилаб ка-литларни олиб қўйди. Онаизор ўғлининг орқасидан қўл чўзган-ча қолаверди.

У онасининг пул турадиган ётоғига кириб ҳамма шкафлар-ни титиб чиқди. Унга пул туради-ган жойни топиш унчалик ҳам қийин кечмади. Фаладонни титки-лаб икки даста пулни олганча кўчага отилди. Эски мижозининг уйига йўл олди. Дарвозани жони-борича тақиллатди. Эшиқдан уй-қу-сираниданми кўзлари кизариб кетган бир эркак чиқиб келди. Жа-вҳарбекни кўриб кўзлари қақнаб кетди.

— Бормисан, неча кундан бери йўқ бўлиб кетдинг, — деди йигитнинг бежо кўзларига қараб.

— Ака, боғтиндан топиб бер-масангиз ахволим чатоқ, — деди Жавҳарбек ҳансираганча.

— Ушанга лойиқ пулинг бор-ми ишқилиб. Анаву кунгидек қар-зига беради, деб ўйласанг хато қилсан.

— Йўқ қарзгамас, мана қар-зимни ҳам узаман, фақат яхши-сидан топиб беринг. Шунинг ба-рига бераверинг.

Йигит ортига қайтди. Йўлақда беҳол ўтирган онасига ҳам қара-май ўз хонасига югурди. Эшиқни ичидан маҳкамлаб олди.

— Яна шу зормандани топиб келдингми, — деди онаси унинг эшигини мушлаганча.

— Ойи, кетинг бу ердан, — деди йигит зарда билан, кетинг

ҳеч кимдан ҳеч нарсга топганим йўқ мени тинч қўйинг мен дам олмоқчиман, кетинг.

Онаизор ноилж эшик олди-дан узоқлашди. Йигит фурсатдан фойдаланиб яширган жойидан шприцларини олди. Ҳар доимги-дай ўзига укол қилди. Бошини де-ворга тираганча бир зум тек қотди. Кейин ҳамма нарсани унут-ди. Хаёллари пойинтар-сойинтар ҳар ёқда кеза бошлади. Нафисани ўйлади. Уни излаб бир пайтлар қизнинг болалиги ўтган уйга бормоқчи бўлди. Унинг хаёлида ҳали ҳам Нафиса эрга тегмаган эди. Турмоқчи бўлганди неча кун-дан бери тузук овқатланмагани учунми боши айланиб ўтириб қолди. Кейин ўша заҳотиёк Нафи-сани унутди. Энди хаёллари айқ-аш-уйқаш бўлиб кетди. Бир зум ўзини болалигига қайтгандек ҳис қилди. Ўзича сархуш жилмайди. Худди дарсга бориши керак бўлган одамдек яна ўрнидан тур-ди. Яна хаёллари ҳар ёқда тўзғиб кетди. Энди негадир тушкунлик-ка туша бошлади. Худди чорасиз қолган одамдек, ўзини ёлғизла-ниб қолгандек ҳис қилди. Йигла-гиси келди. Тиззаларини бирлаш-тириб ўтирганча кучоқлади. Бо-шини биллақлари устига қўйди. Ҳўнграб йиглаб юборди. Яна ҳамма жойи қақшаб огриб бош-лади. Шунда қорадорининг кучи аввалгидек узоққа бормаётгани-ни, уни истеъмол қилиш вақти тобора қисқариб бораётганини, олдингидек лаззат ололмаётгани-ни ҳис қилди. “Эртага, эртага да-дам келсин бориб даволанаман. Кейин ҳамма-ҳаммаси бошқача бўлади. Ўқишимни давом эттира-ман, уйланаман, машина оламан — одамларга ўхшаб яшайман, лекин ҳозир, ҳозир анави зор-мадандадан охириг марта укол қил-масам бўлмайди”. У яна шприцни қўлига олди. Таъсири анчагача етиши учун бу гал у шприцга қорадорини ҳар доимгидан кўпроқ тортиди. Кейин кўзларини юмганча билагига нинани тикди. У яна осмону фалақда уча бош-лади. Бир зумга, бир зумгинага болалигига қайтгандек бўлди. Кўз олдида миттигина, оқ кучукча билан варрак учириб қоқиллаб юрган дўмбоққина болакай — ўзи гавдаланди. Негадир осмон шуначалар ёп-ёруғ эдики. Фақат болалиқдагина ана шундай ёруғ-ликни ҳис қилиши мумкин эди. У ҳам бир зумгина ўша ёруғликни ҳис қилди. Кейин осмон торая бошлади. Осмондаги варраги чир-пирак бўлиб шиддат билан ерга туша бошлади. Гуёки Жавҳарбек-нинг ўзи осмону фалақдан қулаб тушаётгандек бўлди. “Ойи”, деган овозини ўзи ҳам эшитмади. На-фиса қисиб ҳеч қаерга сиғмай ке-таётгандек бўлди. Ёқаларини йир-тиб тортиди. Жон талвасасида ўзини ҳар ёқда отди. Онги шу-рида бир лаҳзгинага “ҳаммаси та-мом, наҳот ҳаммаси тамом”, де-ган ўй ўтди. Кейин, кейин ҳеч нарсани англолмай қолди...

Тунда келган дадаси онаси билан эшиқни бузиб киришганда ўғилларининг ўлиб ётганининг устидан чиқиди... Унинг очиқ қол-ган кўзларида чексиз мунг ва из-тиробни кўрган отаси илк бор ўғлининг бошини кўксига олиб чин дилдан эркалаб, силади...

Барно СУЛТОНОВА,
“Xabar” мухбири

10 | НУҚТАИ НАЗАР

Насафий бизга салбий кўринишда танилиб бўлди: уни умуман билмайдиганлар ҳам, биладиганлар ҳам Насафий ижод қилишга нолойиқ эканлигига ишониб қолган. Бугун кимгадир "Насафийни эшитаман" деб кўринг-чи...

НАСАФИЙ ВА "ФА-ФА-ФА"ГА ЕНГИЛИШДАН ҚЎРҚАСИЗМИ?

Гўзалликнинг идеали йўқ, дейишади Фарба. Инсонлар турлича бўлганидек, гўзаллики ҳам турлича тасвирлашади. Аслини олганда, Европа халқларида чирой ва санъатни бошқача қадрлашади. Улар бачкана кўшиқчини ҳам; юзлари татиуровка босган қизни ҳам; лаблари дўрдоқ, сочлари алламбало рангли моделни ҳам; болалар чизиб ташлаганга ўхшаган суратни ҳам гўзаллик деб ҳисоблайверишади. Улар Насафийга ўхшаган бир "юлдуз" бачкана кўшиқ айтса, бирортаси ундан кўшиқ айтишни тўхтатишни талаб қилмайди. Лунза ёки Заринадек шоу-бизнес вакилларининг қомати билан иши йўқ — улар инсон қандай бўлса, шундай қабул қилиб ўрганган.

Шарқда эса доимо ҳар нарсанинг идеали бўлган, бўлиб келмоқда, балки келажақда ҳам бўлар. Биз ҳаммани ўз қолипимизга мослаштириш тарафдоримиз. Бу ҳислатимиз бугун пайдо бўлмаган, азалдан халқимиз шуурида шаклланиб келган. Битта мақол ҳам бор эди-я: Оч қорним, тинч кулоғим. Биз янгиликлардан кўра, одатланган нарсаларни устунроқ кўямиз. Шу сабабли ҳам Насафийнинг ўзини туттиши, Лоланинг клипи, ва ҳоказоларнинг қоматини танқид қилаверамиз.

Жамиятимизда катта авлоднинг таъсири кучли бўлиб, ижтимоий ҳаётимиз уларнинг нуқтаи назаридан тузилган. Бир томондан оладиган бўлсак, бу ҳам ўзини қайсидир маънода оқлашади: бу "шарқона тарбия" деб аталади. Катта авлоднинг аъналарни ҳимоя қилиши бугунгача миллатлар хилма-хиллигини сақлаб, космократия (бугун дунёда бит-

та юридекция бўлиши ҳақидаги назариянинг амалда вужудга келишининг олдини олмақда.

"Демократия бошқарувнинг энг оғир шакли, бироқ инсоният бундан яхшисини ўйлаб топмаган", деган эди Буюк Британиянинг машҳур бош вазири Черчил. Биз ҳануз кимларнидир нимагинидир танқид қиламиз, бироқ танқидлар тақлифсиз...

Ижтимоий тармоқларда кимнингдир санъатини эмас, балки унинг ўзини туттиши ёки кийиниши муҳокама қилинади. Масалан, Насафий тахаллусли бир йигит... Ижтимоий тармоқларда "мегаюлдуз"га айланган бу "санъаткор"ни бўралатиб сўкиш ёки ундан турли мемлар ясаш авж олиб кетди. Кимдир уни эшакка тенгласа, яна кимдир бундан-да ёмонроқ тасвирлайди. Наинки катта авлод, балки ўрта авлод ҳам уни "кўрганни кўзи йўқ", энг ёш авлод эса Насафий билан иши йўқ, чунки уларсиз ҳам маънавийтимиз ҳақида қайғурувчилар жуда кўп. Негадир Насафийнинг қўшиқ айтмаслигини, шоу-бизнесни тарқатишини сўраймиз-у бироқ шунга яраша тақлиф бера олмаемиз. Устоз санъаткорларнинг қўшиқларини бузиб айтганликда тергаб, бундай ашуладан кўра миллий лапар ва мақомларимиз яхши эканлигини тушунтираемиз. Бироқ шу миллий санъатимизни оммавийлаштириш ҳақида қат-

тиқроқ қайғурмаймиз. Хўш, айб кимда: миллий санъатимизни ёя олмаган биз маънавийтчилардами ё умуман миллийликни билмайдиган "отарчи"дами? Ижтимоий тармоқдаги ўзбек сегменти истаймизми ё йўқ Насафийни бизга салбий кўринишда танитиб бўлди: уни умуман билмайдиганлар ҳам, биладиганлар ҳам Насафий ижод қилишга нолойиқ эканлигига ишониб қолган. Бугун кимгадир "Насафийни эшитаман", деб кўринг-чи, сизга қандайдир бошқача кўз билан қарайди. Негадир биз ёқтирмаган нарсамизни бошқалар ҳам ёқтирмалигини истаймиз. Аслида ким нима эшитиши, кўриши унинг истаги бўлиши керак эмасми, а лаббай? Демократия шунақа эмасмиди?.. Бизда эса бошқачароқ: биз ёмон кўрдикми, демак ҳамма ёмон кўриши керак; биз танқид қилдикми, демак ҳамма танқид қилиши керак. Кимдир бизнинг оқимда сузишни истамаса, биз уни оқизиб кетамиз — биз шундай "ижтимоий тармоқларда ўзбек сегменти"ни яратдик. Кимнидир қоралаш бошландими, унинг бошини чиқармай ёмонлашга тушамиз. Агар сиз билмасдан ўша "бахтиқор"ни яхшилаб кўйинг-чи, нақ унинг ҳамтовогоига айланасиз-қоласиз. Ишонмасангиз Фейсбук профилингизга "Насафий менга ёқди" деб ёзиб кўйинг!?. Сиз диди паст-

га чиқасиз, маддоҳга, санъатни тушунмаганга айланасиз. Мен Насафий ёки бошқа бир "бекилик" санъаткорни оқлаш ниятим йўқ; мен ҳамма ўзи истагандек санъатга ёндашиши тарафдориман. Негадир жамиятимизда ўзгаларнинг истаklarини ҳурмат қилиш тушунчаси йўқ. Эҳтимол, бу энг оғриқли нуқталаримиздан бири бўлса керак.

Дунёдаги энг демократик таъмоилларидан бири ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида шундай дейилади: "Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт". Бизнинг жамият эса бундай демократияни кўтара олмайпти. Насафийни эшитмаслик, Жаҳонгир Отажоновнинг "Фа-фа-фа"-сига тақлид қилмаслик ҳар кимнинг ўз ҳуқуқи, лекин буни бошқалар қилиши мумкинмас, дегани эмас. Биз мумтоз санъатимиз ва миллий тарбиямизнинг қудрати ҳақида бандан шиорлар айтаниз-у бироқ улар Насафийнинг қилиқларига, "Фа-фа-фа"ларга енгиллиб қолишдан кўрқамиз. Агар ҳозир ижтимоий тармоқларда "мегаюлдуз" бўлаётганларнинг қилаётган қилиқлари санъат даражасида бўлмаса, албатта, кун келиб бу бугун ҳаётимизни тарқ

этади ва биз истаган маданиятгина қолади. Бундай паст савиядаги кўшиқлар инсонни хунуқликни гўзалликдан фарқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Румийда бир гап бор: "Ҳар нарсанинг қадри зидди билан".

Бу борада гапирсак, гап кўп. Ҳиндистоннинг машҳур арбоби Махатма Ганди шундай деган эди: "Мен деразамни очсам, тоза ҳаво билан бирга чанг ҳам киради". Биз ривожланган мамлакат бўлишни истар эканмиз, "эшик ва дераза"-ларимизни ланг очишга тўғри келади. Очганимизда жамиятда турли ахлоқсизликлар, маънавийтдан чекинишлар бўлиши мумкин, аммо биз шу пайтда мустаҳкам маънавийтли бўлиб тура олишимиз керак эмасми, ахир. Ўтиш деразида биз нима яхши, нима ёмонлигини билиб оламиз. Муҳими шу. Гарчи савияси паст кўшиқлар ёш авлоднинг эстетик дидини туширишга хизмат қилса ҳам, бу миллий санъатимизнинг қанчаллик даражада юксак эканлигини исботлаб беради. Ахир рақобат ўсишни таъминлайди, ё унақа эмасми?..

Биз бировнинг эркинликларига даҳл қилгунча, бизга ёқмаган нарсаларга қарши ўзимизда ўзимиз иммунитет ҳосил қилсак, етарли. Ахир айтишади-ку, ғояга қарши ғоя билан...

Санжар ШОМУРОДОВ,
талаба

КҮЮНЧАК ГАЗЕТХОН МАКТУБИ

Бу мавзуда ёзишга истиҳола қилиб юргандим. Яқинда бўлган воқеа сабаб ёзишга қарор қилдим. "Утган кунлар" киносига Отабек ортидан Тошкентга борган Кумуш-биби ёри билан хуфя учрашувиди: "Бировларнинг дардида қаридим" — дейди. Шунинг ўрнига "Сизни соғиндим!" дейиши мумкин эди, бироқ айтмайди. Чунки у ўзбек аёлининг ибоси ва ҳаёсини шу сўз билан дунёга олиб чиқди...

Хузуримга бир аёл йиллаб келди. Тўртта боласи бор экан. Ўзи ибосли, ҳаёли, андишали эканлиги кийинишдан, гап-сўзларидан билиниб турибди. "Болаларим олдида уятга қолдим, ёрдам беринг. Нима қилишим, нима дейишим билмай қолдим" — дея гап бошлади муштипар аёл.

ИБОСИЗЛИК ЭМАСМИКИН?

Уни анчагача овутолмадим. Маълум бўлишича, невараларидан бири бобосининг телефонидан دادасига расм жўнатмоқчи бўлибди. Баногоҳ аёллар томонидан фейсбук орқали, телеграм орқали жўнатилган расм ва изоҳларни кўриб, барчасини бувисининг, яъни шу аёлининг телефонида ўтказиб юборибди. "Энди бобом бизникига бормасин, биз ҳам келмаймиз" — деб хафа бўлибди невар. Эримнинг айби биров таниқли бўлгани, аёлларни ҳурмат қилиб қаттиқ гапирмагани холос. Турмуш ўртоғимга ишонаман. Чунки ўша аёлларга инсоф талаб, бир неча бор тинч кўйишларини сўраб ёзган жавоблари ҳам турибди. Мени хафа қилади-

гани ва ташвишлантирадигани наҳотки аёллар шу даражада сурбет ва беҳаё бўлишса? Илтимос, шу аёлларнинг жўнатмаларини фейсбукка исми билан кўйинг, токи бошқаларга ўрнак бўлсин" деб бир нечта шундай суратларни кўрсатди. Мен минг истиҳола билан уларнинг номларини яшириб ушбу мақолани ёзишга жазм қилдим. Ахир арзимаган сурат ёки SMS хабарларини деб қанчадан қанча оилалар бузилиб кетмоқда. Мен ушбу ёзганларим орқали опа-сингилларимга, дугоналаримга мурожаат қилмоқчиман: агар озгина бўлса ҳам сизда аёллик гурури, отангиз, ака-укангиз, ўғлингизда ор-номус бўлса, илтимос, бир


беғуноҳнинг оиласини бузилишига, бир ожизанинг кўз ёшига, тирик етимларнинг кўпайишига сабабчи бўлманг! Куйида бегона эркакларга очиқ-ойдин изоҳ сифатида жўнатаётган расмларингизнинг асл моҳияти нималигини биласизми ўзи? Юрагини тутаетган, пуфлаб учираётган ва бўсалар юбораетган стикерлар билан муҳаббат изҳор қилаётган аёлларимиз озгина ҳаё қилсалар ўз шайъларига ҳам доғ туширмас эдилар. Ахир аёл — она!

Бежизга миллат келажаги оналар қўлида деб айтилмайди.

Ҳанифа
УММАТҚУЛОВА



Раҳмаджон СОБИРОВ:



“Хориждаги ватандошлар” лойиҳаси доирасидаги интервьюларни давом эттирган ҳолда бу сафар Канаданинг йирик шаҳарларидан бири — Торонто шаҳрида истиқомат қилиб келаётган ҳамюртимиз Раҳмаджон СОБИРОВНИ суҳбатга тортидик. Қаҳрамонимиз “Заранг барги юрти”да ўн беш йилдан буюн ҳуқуқшунос сифатида фаолият кўрсатиб келади.

— Раҳмаджон ака, судбатимиз аввалида сиз билан яқинроқ танишиб оلسан?

— 2003 йили бакалавр босқичини Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг халқаро ҳуқуқ йўналиши бўйича тамомлаганман. 2003-2004 йилларда Венгриянинг Будапешт шаҳридаги Марказий Европа университетида ҳуқуқ соҳасида магистрлик, кейин ЕХҲТнинг Қирғизистондаги академиясида ва Австрияда сиёсатшунослик йўналишида иккинчи магистрлик даражасини олганман. Бу магистрлик дастурини ўқиш жараёнида ЕХҲТнинг Венадаги штаб-квартирасида Бош котиб офисида тажриба орттирдим. Ўқини тамомлаб, Нидерландиянинг Гаага шаҳрида жойлашган Халқаро жиноий ишлар бўйича судида илк ўзбекистонлик ҳуқуқшунос сифатида ишладим.

Ушбу суд халқаро геноцид, инсониятга қарши жиноятлар, ҳарбий ва таъжиркорлик жиноятларини содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш ваколатига эга. Эйтиборлиси, у ердаги меҳнат фаолиятим давомида уруш даврида давлатни бошқарган асли конголик Томас Лубанга жинояти устида ишлашга муваффақ бўлганман. Бу Халқаро жиноий суднинг илк суд иши бўлган эди.

Сўнг доимий яшаш учун Канадага кўчиб ўтдим. Мамлакатдаги ҳуқуқий тизим фарқи бўлганлиги боис, Европа ва Ўзбекистонда олган дипломларим бу ерда амал қилмаган. Шу сабабли Оттава университетида JD дастури бўйича уч йиллик ҳуқуқ йўналишида қайтадан таҳсил олиб, адвокатлик унвонига сазовор бўлдим. Шундан кейин Канададаги бир қатор юридик фирмалар ва корхоналарда ҳамда бир муддат Буюк Британиянинг Лондон шаҳридаги йирик халқаро юридик фирмасида ҳам хизмат қилдим.

Ҳозирда Канаданинг йирик молиявий марказларидан бири — Торонто шаҳрида 2012 йилда турмуш ўртомим билан бирга ташкил этган Sobirovs Law Firm адвокатлик фирмасини бошқариб келяман.

— Сўзларингиздан Канадага кўчиб ўтиш сизга бир қадар йўқотишларни ҳам келтириб чиқарганига эмин бўлялман. Айтингчи, йўқотишлар эвазига бўлса-да, нима учун айнан Канадага кетишга қарор қилдингиз?

— Қарийб 15 йилдан буюн Канадада истиқомат қилиб келялман. Очиги, азалдан Шимолий Америка қитъасида яшаш иштиёқим бўлган. Лекин, АҚШда эмас. Табиийки, Шимолий Америка минтақасида яшаш учун Мексика, АҚШ ёки Канада давлатини танлашим керак эди. Мен Канадани танладим. Бунга сабаблардан бири Тошкентда бакалаврдаги давримда француз тилини ҳам ўрганганман. Бу ерда эса, аҳоли асосан инглиз ва француз тилларида мулоқот қилганлиги менга қулайлик туғдирган.

Канада иммигрантлар мамлакатини сифа-

тида салоҳиятли кадрларни ҳамisha кучоқ очиб кутиб олиши, хорижликларга ҳар доим яхши муносабатда бўлиши ҳам яна бир сабаблардан бири.

— Ўзбекистон ва Канада ўртасида тўғридан-тўғри дипломатик муносабатлар йўқ. Ўрни, у ерда ва бизда ҳам элчихона ёки консуллик хизматлари фаолияти йўлга қўйилмаган. Шу нуқтани назардан агар иккала давлатда элчихоналар очилса, бундан томонлар қай даражада манфаатдор бўлади?

— Ҳақиқатда, мамлакатлар ўртасида тўғридан-тўғри дипломатик алоқалар йўқ. Расмий алоқалар Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчихонаси ва Канаданинг Россиядаги элчихонаси орқали амалга ошириб келинмоқда. Очиги, давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари анчайин суст.

Саволингизга тўхталадиган бўлсам, ўйлашимча, элчихоналар очилиши учун савдо алоқалари ҳар томонлама ривожланиши зарур. Биринчи гада Ўзбекистонда элчихонадан олдин Канаданинг Консуллик хизмати очилиши мумкин. Бунинг учун эса, ҳали қилиниши керак бўлган ишлар кўп. Тўғри, йилдан йилга қизиқишлар ортмоқда. Лекин жозибадорлик касб этмаяпти. Чунки, масофалар анчайин олис. Агарда келгусида Марказий Осиё минтақаси, хусусан, мамлакатимиз бозорларига эътибор қаратилса, ҳамкорликдан Ўзбекистон кўпроқ манфаатдор бўлади, деб ҳисоблайман. Сабаби, Канада дунёнинг энг йирик иқтисодий G7 мамлакатлари қаторига киради. Бугунги кунда ҳар томонлама тараққий этиб келмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон томонининг Канада билан ҳамкорлики яхшилаш бўйича ҳаракатларига гувоҳ бўлдим. Канадалиқларга визасиз тизим йўлга қўйилди. Бу, албатта, туризм ривожига катта ҳиссасини қўшади, деб ўйлайман.

— Канаданинг тараққийёт омиллари нимага кўрасиз ва сизнингча уларнинг қандай тажрибаларини Ўзбекистонда жорий этиш мумкин?

— Мамлакатнинг асосий тараққийёт омилларидан бири — бу турли давлатлардан энг кучли, иқтидорли ва билимли инсонларни йиғиб олганлиги ва ҳали-ҳануз ҳар томонлама салоҳиятли кадрларни кучоқ очиб кутиб олаётганлигида. Ундан ташқари, ҳукуматнинг таълимга эътибори, илми инсонларни қадрлаши ва рағбатлантириб боришини айтишим жоиз. Буни олий таълимда-

КАНАДАДА БОЙЛАРНИ ТўЛАётган СОЛИФИДАНГИНА АЖРАТИШ МУМКИН

ги шароитларда ҳам кўрса бўлади. Мисол учун, бу ерда маҳаллий аҳолига олийгоҳларга кириш, стипендия олиш муаммо эмас. Албатта, ҳаракатга боғлиқ. Кейин, назаримда Канаданинг қулай географик жойлашуви ва АҚШдек йирик иқтисодий давлат билан қўшни бўлиши ҳам ривожланишида муҳим рол ўйнаган.

Уларнинг коррупцияга қарши курашидаги тажрибаларини ўрганиш мумкин, деб ўйлайман. Ўрни, мамлакатда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг бир-бирдан мустақил эканлигидир. Шу орқалигина коррупцияга қарши мurosасиз курашиш мумкин, назаримда.

Мамлакатда спорт билан шуғулланишга катта аҳамият қаратилади. Масалан, канадалиқлар спорт машғулотларига сарфлаган харажатлари учун даромадларидан, дейлик фарзандингизнинг хоккей спорт клубига берсангиз, клубга берган тўловингиздан солиқ олинмайди. Ҳукумат наздида, аҳолининг жисмонан соғлом бўлиши тиббиётга сарфланадиган харажатларни камайтиради. Чунки, мамлакатда тиббиёт бепул.

Ундан ташқари, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида ҳам турли имтиёзлар мавжуд. Масалан, тадбиркорнинг йиллик даромади ўртача юз минг доллар бўлса, ундан бизнес харажатлари учун саксон минг долларни сарфланса, тадбиркор қолган 20 минг долларидан солиқ тўлайди, холос. Шунингдек, Канада таълим тизимида ўқувчи-талабаларнинг танқидий, таҳлилий фикрлашига алоҳида эътибор қаратилади. Менимча, Ўзбекистон таълимиде ҳам турли назарияларни ёллатишдан кўра ўқувчиларга мавжуд муаммоли масалаларни чуқур таҳлил қилдириш, унга муносабат билдириш сабаб-оқибатларини ўргатиш самаралироқ бўлади.

— Канадалиқлар характери ҳақида нималар дея оласиз ва улар Ўзбекистон ҳақида билишадими?

— Канадалиқлар тўғрисидаги кадрлашди. Табассум қилиш уларнинг доимий ҳамроҳи. Энг асосийси, улар ҳашамга берилмаган халқ, Яъники, бу ердаги энг бой одамлар ҳам оддий кийинида, оддий автомобилда юради. Қизиги, бойларни уларнинг тўлаётган солиги орқали билиб олишингиз мумкин. Мамлакатда қолганларга нисбатан кўп солиқ тўлаясизми, демакки сиз бойсиз.

Канадалиқлар Ўзбекистон тўғрисида ҳам билишади. Билганларини ҳам қизиқ тарихи бор. Билсангиз керак, собиқ СССР ва АҚШ ўртасидаги совуқ уруш даврида Канада

иқтисодиёти ва дипломатия воситачи ва-зифасини бажарган. Ундан ташқари, Канада хоккей бўйича машҳур мамлакат. Уша даврда собиқ СССР билан хоккей мусобақалари кўп ўтказилган. Тахминан 70-80 йилларда канадалиқлар Ўзбекистонга ҳам келишган. Буни асосан канадалиқларнинг кекса авлод вакиллари билишади.

— Хориждаги ҳуқуқшунос сифатида Ўзбекистондаги ҳуқуқий ислохотларга муносабатингиз ва яна бу соҳада қандай ўзгаришлар бўлишини хоҳлайсиз?

— Канада ва Ўзбекистоннинг ҳуқуқий тизими бир-бирдан тубдан фарқ қилади. Шундай бўлса-да, Ўзбекистондаги ҳар қандай, у ҳуқуқий бўладини ёки бошқам, деярли барча янгиликларни кузатиб боришга ҳаракат қиламан. Сўнгги уч йилда сезиларли ўзгаришлар амалга оширилди. Хусусан, ҳуқуқий соҳада ҳам жуда кўп ўзгаришлар, янгидан-янги қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинапти. Бунинг ижобий ва салбий жиҳатлари бор.

Ижобий жиҳатларидан — чорак аср давомида Ўзбекистоннинг ҳуқуқий тизими ислохот қилинишига эҳтиёж пайдо бўлган эди ва бу бажарилмапти. Аммо, салбий жиҳатларидан бири — шунчалик кўп норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар чиқарилиши, уларнинг ижроси, мазмун-моҳиятини англаб етишга вақт етмаяпти, назаримда. Мен хоҳлардимки, Ўзбекистондаги ҳар қандай ислохотлар пухта ўйланган ва яқунга етказилмайдиган тарзда амалга оширилиши керак.

Ҳуқуқий ислохотларда Адлия вазирлигининг роли янада ошиши керак. Ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб ҳам ҳар қандай ҳуқуқий ислохотларда адлия органлари ташаббускор ва фаол ҳаракатда бўлиши лозим.

— Келгусидаги мақсадларингиз қандай?

— Шукр, шу кунгача ниёт қилган мақсадларимга эришиб келялман. Кейинги беш йил учун бир қанча режаларим бор. Улардан бири, ҳозирги кунда Канадада иммигрантларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатувчи ImmigrationShor онлайн платформаси устида иш олиб бораёғимиз. Биласиз, хорижда адвокатлик хизматидан фойдаланиш қimmat. Бизнинг платформамиз адвокат ёллай олмайдиган, лекин Канадада иммиграция қилмоқчи бўлганларга батафсил онлайн курслар тақдим қилади ва иммиграция қандай қилинишини ўргатади.

Шу билан бирга, қаерда бўлсак ҳам, Ўзбекистондаги ўзгаришларга бефарқ яшаймиш. Очиги, шу кунларга етишимга ва муваффақиятларимизда ота-онам, яқинларим, устозларимнинг ҳиссаси катта. Шу жиҳатдан, энг катта мақсадларимдан бири Ўзбекистон ривожига ҳисса қўшиш, ватандошларимга катта-кичик бўлсин, қўмаклашишни хоҳлайман. Бу борада ҳам бир неча янги лойиҳаларим бор.

Нурилло ТўХТАСИНОВ
суҳбатлашди

12 | АЛОҚА ОЛАМИДА.



5G

5G: 100 ГБ "ОҒИРЛИК"ДАГИ 4К ВИДЕОНИ АТИГИ ТҮРТ СОНИЯДА УЗАТИШ МУМКИН


Жанубий кореялик олимлар 5G протоколи бўйича маълумотларни узатишни икки баравар ошириб берувчи оптик алоқанинг янги технологиясини тақдим этишди.

Бунда, масалан, 100 ГБ "оғирлик"даги 4К видеони атиги тўрт сонияда узатиш мумкин.

Шу тариқа 5G тармоқларига юкланиш муаммосини ҳал этиш режалаштирилмоқда, дейилади. Электроника ва телекоммуникациялар илмий-тадқиқот институти (ETRI) олимлари OSA журналида чоп этган мақолада.

Қурилма алоқа тармоқлари учун когерент модуляцияга муқобил иқтисодий самарадор восита саналади. Янги технологиянинг тўлиқлиги узунлигига сезувчанлиги пастлиги унинг зичлигини тўрт карра ошириб, энергия сарфини 1,5 бараварга озайтиради.

Ишлаб чиқарувчиларга кўра, бу қурилмалар таннархини арзонлаштириш, 5G алоқа стандартини жорий этиш ишларини тезлатишда қўл келади.



АЙФОНОМАНИЯ

УОРРЕН БАФФЕТТНИНГ "АЙФОНИ"

Уоррен Баффетт — замонамизнинг энг машҳур ва бадавлат инсонларидан бири. Шунингдек, Apple корпорациясининг 5,6 фоиз акциялари ҳам шу инсонники. Аллазамонлар Стив Жобсни Appleдан кетишга мажбур қилган ҳам шу одам.

Бир кам 90га кирган Баффетт 87,5 миллиард долларлик сармояси билан Forbes рейтингда учинчи ўринда турибди.

Яқинда берган интервьюсида Уоррен Баффетт яқин-яқинларгача тугмачали телефон ишлатиб келганини айтди. Бу — 2010 йилда чиққан Samsung Haven буклама ("раскладушка") телефони!



Айтадики, Уоррен Баффетт эндигина смартфон ишлатишни бошлаган ва бу Appleнинг ўн биринчи авлод "айфони".

Баффетт бу айфонни ўзи харид қилмагани, балки совға қилишганини ҳам таъкидлаган. Айтиш керакки, шу кунгача бир неча киши, шу жумладан Apple раҳбари Тим Кук ҳам унга турли iPhone'лар ҳада этишган. 2018 йили Bloomberg TV каналида Кук, ҳатто миллиардер яшаётган Омахага учиб бориб, унинг

тугмачали телефондан "айфон"га ўтиши учун шахсан ўзи техник хизмат кўрсатишга ҳам тайёр эканини айтган эди.

Шуниси ҳам борки, энг замонавий смартфонни ишлата бошлагани билан, Баффетт унинг биттагина функциясида — телефонда гаплашиш учун фойдаланаркан!

ИНСОНЛАР

ФАХРИЙ ДАСТУРЧИ 74 ЁШИДА ОЛАМДАН ЎТДИ

Компьютердаги асосий буйруқлардан ҳисобланган Copy, Paste ва Cut буйруқларини ишлаб чиққан дастурчи Ларри Теслер 74 ёшида вафот этди.

Теслернинг энг катта ишларидан бири Cut ("Кесиб олиш"), Copy ("Нусха олиш") ва Paste ("Қўйиш") (Ctrl+X, Ctrl+C, Ctrl+V) буйруқларини ишлаб чиққани бўлган. У бундан бошқа дастурларни ҳам яратган, улар ёрдамида шахсий компьютер ҳақидаги билимларни ўзлаштириш ва ундан фойдаланиш энгиллашган.

Ларри Теслер 1945 йилда Нью-Йоркда туғилган. У Калифорниядаги Стенфорд университетини битирган. Университетдан кейин у "Фойдаланувчи интерфейси" устида ишлаган ҳамда шахсий электрон ҳисоблаш машинасини маълум буйруқлар, графика ва бошқа дастурлар воситасида оддий фойдаланувчи учун тушунарлироқ қилишга эришган.

У Кремний водийсида ишлашни бошлаган 1960-йиллар бошида ҳали компьютерларни тушуниш қийин, мутахассисларгина бунинг урдасидан чиқа оларди. Ўзининг узоқ йиллик меҳнати давомида Теслер Хероҳдан тортиб Appleгача бўлган турли йирик технологик компанияларда ишлаган.

Теслер Cut, Copy ва Paste буйруқларини 1983 йилда Apple фирмасининг дастурий таъминотида, Lisa компютерининг илк кўринишларидан бирида тайёрлаган. 1984 йилда эса буйруқлар янги чиққан биринчи Macintosh компютерига ўрнатилган.



РОБОТЛАР


РОБОТ ИЛК МАРОТАБА МИКРОЖАРРОҲЛИК ЎТКАЗДИ

Нидерландиянинг Эйндховен технология университети ва Маастрихт университети Тиббиёт маркази олимлари асос қилиб Microsure стартапи ҳаёнда биринчи бўлиб клиник шароитда микрожарроҳликни амалга ошира оладиган робот яратишди.

Робот ҳақиқий жарроҳ (инсон) томонидан бошқарилади: қўл ҳаракатларини янада аниқ роботлашган амалиётларга айлантиради.

"Янги робот митти лимфатик ва қон томирларида жарроҳлик ўтказишдек ўта мураккаб ва оғир ишларни янада яхши баджариш имконини берди. Бу роботда ишталган ўчламдаги томир билан ишлаш мумкин", — деди пластик жарроҳ Шан Цю Шао.

Робот-жарроҳ 0,3 ммдан 0,8 мм.гача диапазондаги лимфатик ва қон томирларини улай олади. Бу жуда мураккаб иш бўлгани боис уни дунёдаги санокли жарроҳларгина амалга ошира оларди.



СОФТ

HUAWEI ҚУРИЛМАЛАРИНИ МУСТАҚИЛ ЯНГИЛАМАСЛИК ТАВСИЯ ЭТИЛДИ

Ўтган йилнинг май ойида АҚШ ҳукумати Huawei'ни "қора рўйхат"га киритган эди, бу эса унинг Google билан ҳамкорлик муносабатларига таъсир кўрсатмай қолмади.

Энди Хитой компаниясининг янги қурилмалари Play Store билан ишлаш учун сертификатга эга бўлмайди. Huawei'нинг янги қурилмалари чиқиши арафасида Google истеъмолчилар учун мураккаб вазият ҳақида баёнот берди, шунингдек, уларга бегона манбалардан APK-файлларни юклаб олмастик ва янгиламасликни тавсия қилди. Баёнот Googleдан Huawei'нинг янги қурилмалари ҳақида сўрашгандан кейин пайдо бўлди. Хусусан, баёнот ушбу сертификатланмаган смартфонларда бегона сайтларни ўрнатиш орқали Google дастурлари ва хизматларига норасмий кириш ҳуқуқини қандай олиш ҳақида.

Расмий равишда, Google фойдаланувчиларга Google иловалари ва хизматларини "бегона сайтлардан" юкламасликни тавсия қилади, чунки бу ҳаракат фойдаланувчи хавфсизлигини хатарга қўйиши мумкин. Хавфсизликка таҳдиддан ташқари, Google бундай дастурнинг ишлашига ҳам кафолат бермайди. Компания, айниқса, янги Huawei қурилмаси харидорининг YouTubeга ўхшаган Android-иловаларига эга бўлишни хошлаб қолишидан хавотирда. Компания фойдаланувчиларнинг норасмий Google хизматларига мурожаат қилиб, бу билан боғлиқ хатарларни тушунамслиги мумкинлигидан кўрқади.

Умумий босимга қарамай, АҚШда Googleга Huawei билан ишлашга имкон берадиган вақтинчалик лицензия берилди, аммо лицензия фақат мавжуд Huawei қурилмаларида янгилиниш хавфсизлиги устида ишлашга имкон беради.

СМАРТФОНЛАР

SONY 5GНИ ҚўЛЛОВЧИ XPERIA 1 II ФЛАГМАНИНИ ТАҚДИМ ЭТДИ

Sony компанияси Xperia 1 II 5G-смартфонини 2020 йил баҳори охирида Европада сотувга чиқаришини маълум қилди.

Смартфон андроид амалий тизимида ишлайди, Qualcomm Snapdragon 865 5G процессори ва Snapdragon X55 5G чипи ўрнатилган, бинафшаранг ва қора рангларда чиқарилади.

Xperia 1 II смартфонда сония-сига кетма-кет 20та кадр олиш функцияси бўлиб, қурилмага Zeiss оптикали учталик камера ўрнатилган.

Sonyнинг таъкидлашича, экспозиция ҳолатида камера сония-сига 60 мартагача узлуксиз автофокусировка ҳам қила олади.



Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади.

Демократлар баҳси: Сандерс Трампни енга оладими?

Жанубий Каролина штатида ўтган баҳсда Демократик партиядан президентликка номзодлар пойгада етакчи бўлиб турган Берни Сандерсни ишорага олди. Унинг партиядош рақиблири даввосига кўра, социалист Сандерс партиа номзодлигини қўлга киритса, ноябрда бўладиган сайловда амалдаги президент Доналд Трампга ютқазди.

CBS NEWS телеканали мезбонлик қилган жонли эфирда Вермонт штати сенатори Берни Сандерсдан Президент Трампни сайловда қандай енга олиши мумкинлиги ҳақида сўрашди. “Ўтган йили ишчилар ўртача маоши бир фоиздан камроқ ўсди. Одамларнинг ярми маошдан маошга зўрга кун кўрапти. Иқтисодиёт Америка халқи учун эмас, бир фоиз одамлар учун ишляпти. Биз фақат сайловга донорлик қилаётган бойлар учун эмас, барча учун ишлайдиган иқтисодиёт яратамиз”, – деди Сандерс.

Сандерс кексаларга аталган Medicare тиббий сугурта дастурини кенгайтириб, уни ёшдан қатъи назар, барчага тақдим этишни ваъда қилмоқда. Аммо рақиблири, хусусан, Мин-

несота сенатори Эйми Клобушарнинг айтишича, Сандерснинг бундай ваъдалари жуда қимматга тушади. “Ҳисобга тўғри келмайди. У ҳар бир нарса жойида бўлишини айтаяпти, лекин билиб қўйинг, биз 60 триллион долларга яқин маблағ ҳақида гаплаганмиз. Унинг барча дастурлари қанчага тушишини биласизми? – деди Клобушар. – Бу нафақат федерал ҳукумат, балки бутун Америка иқтисодиётидан уч карра катта рақам”. “Бўлмаган гап”, – деди унга жавобан Сандерс.

Собиқ вице-президент Жо Байден 2015 йил Чарлстон шаҳридаги қоратанлилар черковиди юз берган отишмани ёдга олиб, Сандерс ўтишида қурол назоратини кучайтирувчи қонунни ёқламаганини тилга олди.



“Берни Брейди қонунига беш марта қарши овоз берган ва текшириш вақти 12 соат бўлишини хоҳлаган. Юз берган тўққизта ўлимга уни маъсул демоқчимасман, лекин текшириш вақти мен таклиф қилгандек кўпроқ бўлганда, қотил шу қуролни қўлга кирита олмаган бўларди”, – дея изоҳлади иddaосини Байден.

Сандерснинг Куба етакчиси Фидел Кастро каби социалист диктаторлар ҳақида узоқ йиллар ижобий фикрда бўлгани ҳам рақиблири томонидан ишонга олинди. Нью-Йорк собиқ мэри Майкл Блумберг Сандерсга хатто Россия Президенти Владимир Путин ёрдам бераётганини даъво қилди. “Доналд Трамп ўзининг яхши президент бўлишини айтади, мен бунга қўшил-

майман. Владимир Путин ҳам Доналд Трампнинг президент бўлишини хоҳлайди. Шу боис у Сандерсга ёрдам берапти, чунки Сандерс унга ютқазди”, – деди Блумберг.

Сўнги баҳс 54 делегатга эга Жанубий Каролина штатидаги партиа сайловидан тўрт кун олдин бўлиб ўтди. Бу штатда, оммавий сўровларга кўра, Жо Байден Сандерсдан бироз устунликка эга бўлиб, номзодлар орасида етакчилик қилмоқда. Кузатувчиларга кўра, Сандерс Жанубий Каролинада ҳам голибликни қўлга киритса, 3 март куни бўладиган “супер сешанба” олдидан етакчилик мақомини янада мустаҳкамлаб олади. “Супер сешанба”да номзодлар 14 штатдан жами 1300 делегат учун кураш олиб боради.

Эрдоган: “Идлиб масаласини зудлик билан ҳал қилишимиз зарур”

Туркия президенти Ражаб Тоййиб Эрдоган Суриянинг Идлиб вилоятида юзага келган вазият зудлик билан ҳал этилиши зарурлигини таъкидлади. “Россия Асад тузумини юқори даражада қўллаб-қувватляпти. Инкор қилишса-да, бизда далиллар бор. Бу ерда бизнинг 911 километрлик чегарамиз бор, бу курашда биз эмас, улар бўладими? Биз бу курашнинг ичида бўлишга нафақат мажбур, балки маҳкуммиз”, – деди Эрдоган Озарбайжонга сафари олдидан журналистлар билан учрашувда.



Эслатиб ўтамиз, Сурия армиясининг Идлиб назоратини қўлга олишга уриниши оқибатида ҳудудда гуманитар инқироз кузатилмоқда. Ўтган йилнинг декабридан бери ҳудудни 900 мингдан зиёд киши тарк этган.

Яманга қарши санкциялар яна узайтирилди

БМТ Хавфсизлик кенгаши Яманга қарши санкциялар муддатини бир йилга узайтиришга қарор қилди. Қарорга кўра, санкциялар молиявий активларнинг музлатиб қўйилишини, шунингдек, “қора рўйхат”га киритилган шахсларнинг сафарларини тақиқлашни кўзда тутди. Резолюцияда давлатлар Яманга нисбатан жорий этилган қурол эмбаргосига амал қилишга чақирилган. Шунингдек, Яманга нисбатан санкцияларнинг амал қилишини кузатиб борадиган экспертларнинг мандати 2021 йилнинг 28 мартига қадар узайтирилди.



Эслатиб ўтамиз, 2140-сонли резолюция 2014 йилда қабул қилинган бўлиб, БМТ Хавфсизлик кенгаши ҳар йили унинг муддатини узайтириб келмоқда. “Қора рўйхат”га Яманнинг собиқ президенти Али Абдуллоҳ Солиҳ ва исёни ҳусийларнинг етакчилари, жумладан, Абдуллоҳ ал-Ҳаким киритилган. Улар мамлакатда тинчлик-барқарорлик ўрнатилишига ва сиёсий жараёнларга қаршилиқ кўрсатишда айбланган.

Саудия Арабистонида хотин-қизлар футбол лигаси тузиладиган бўлди

Саудия Арабистонида хотин-қизлар энди нафақат футбол ўйнаши, балки жамоа бўлиб мусобақалашини ҳам мумкин: мамлакатда аёллар



футбол лигаси тузишга қарор қилинди. Аёллар лигасининг ўйинларини пойтахт Риёдда ва яна иккита шаҳарда ўтказиш режалаштирилган. Спорт федерацияси баёнотида кўра, аёллар лигасини тузишдан мақсад хотин-қизларни спортга жалб этиш ва аёлларнинг спортда муваффақиятларга эришишини таъминлашдир.

Саудия Арабистонида 2018 йилнинг январидан эътиборан аёлларнинг стадионга киришига рухсат берилган эди. Шу йили хотин-қизларнинг машина ҳайдашига қўйилган тақиқ ҳам бекор қилинди.



Алмазбек Атамбаев оммавий тартибсизликлар уюштиришда айбланмоқда

Қирғизистон бош прокуратураси мамлакатнинг собиқ президенти Алмазбек Атамбаев ва унинг 13 нафар тарафдорига 2019 йилнинг 7-8 август кунлари Қўйтош қишлоғидаги тўқнашувлар буйича айблов эълон қилди. Айблов хулосаси 491 бетдан иборат бўлиб, унда ҳокимиятни куч билан эгаллаб олишга уриниш, қотиллик, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларига суиқасд, оммавий тартибсизликлар уюштириш ва бошқа жиноятларга тегишли фактлар келтирилган.

Қирғизистон Миллий хавфсизлик қўмитаси 2019 йилнинг августиди Бишкек яқинидаги Қўйтош қишлоғида Алмазбек Атамбаевни қўлга олишга уринди, бироқ собиқ президентнинг тарафдорлари бунга қаршилиқ кўрсатди. Икки кун давом этган уринишлардан сўнг Атамбаев таслим бўлди. Тартибсизликлар чоғида 225 киши жароҳат олди, махсус хизматларнинг бир ходими ҳалок бўлди.

Алмазбек Атамбаев Миллий хавфсизлик қўмитасининг тергов изоляторидида сақланмоқда. У бошқа жиноятлар, хусусан, коррупция ва ноқонуний бойиш буйича ҳам айбланмоқда.

У.ЙУЛДОШЕВ тайёрлади

БАҲОР СУВЛАРИ

(Ҳикоя)

Каравотта чалканча ётиб, Тургеневнинг "Баҳор сувлари" китобини варақлай бошладим. Китоб орасидан тўрт букланган коғоз кўкрагимга тушди. Беарволик билан коғозни олиб, ётган еримда ўқий бошладим. Олдий қора қалам билан жуда хунук ёзилган, баъзи жойлари ўқиб бўлмайдиган қилиб ўчириб ташланган бу хат мени хайрон қилиб қўйди. Хат эгаси, уни ё муттасил тебраниб бораётган трамвайда, ё тик туриб ётганга ўхшайди. Бир чизикли дафтар варағидаги сатрлар бошида йўғон-йўғон харфлар билан бошланиб, сатрнинг охирига етмай бир-бирига мингашиб кетарди. "Нима бало, маст одам ёзганми бунини", деб дилимдан ўтказдим.

“ Ёлғон муҳаббатдан зада бўлган Санобарнинг юрагида куйиб кул бўлаётган ҳисларга ҳарир, шаффоф шабада теккандек бўлади. Бу шабада унинг қалбидаги кулларни тўзғитиб юборади. Кўксидagi босиб ётган оғир тошни муҳаббатнинг азамат қўли кўтариб ташлайди. **”**

Юқорисидан икки-уч сатр ўчириб ташланган хат шу ердан бошланади: "...Уйингиздан бутунлай кетдим. Кутманг. Қайтиб келмайман. Бу хатни бутунлай, қайтиб келмас бўлиб кетаётганимни сизга билдириб қўйиш учунгина ёзганман. Сабабини билишни истарсиз? Наҳотки ўзингиз билмасангиз? Қайси бир хотин қанчадан-қанча аҳду паймонлар, орзу-умидлар билан кириб келган уйини ташлаб кетади? Мен ана шундай қилдим. Бу менинг виждон олдидаги қарзим, ҳақоратланган, оёқ ости қилинган муҳаббатим олдидаги бурчим эди. Эсингиздами, анҳор бўйидаги ағдарилган қари чинор танасига ёнма-ён ўтириб, юлдузларга термилардик. Кўп ошиқлардан бева қолган ойнаи булутдан булутга сузиб ўтишини хўрсиниб-хўрсиниб томоша қилардик. Сизнинг елкангизга суяниб, анҳор салқинидан сесканганимда костюмингизнинг этагига мени ўрардингиз. Уша кунлар ўзимни чинакам бахтиёр деб билардим. Анҳорнинг нариги томонидаги янтоқлар орасида чириллаган чигирткаларнинг овози ҳам қулоғимга ажойиб бир оҳанг бўлиб эшитиларди. Баъзан эл ухлаган сокин кечада асфалт кўча бўйлаб олис-олисларга кетиб қолардик..." Шу ерга келганда хатнинг кетма-кет уч сатри ўчирилган. Шунча уринсам ҳам ўқийламан. "...Баъзан артистларга раҳим келади. Улар саҳнада ўз қиёфаларидан чиқиб, бир неча соат бошқа одам бўлиб яшайдилар. Уларнинг маҳоратига қўйил қўйиб қарсак чаламиз. Ўйлаб кўринг, бу улар учун жуда ҳам катта меҳнат, машаққат эмасми?"

Сиз-чи? Сиз саҳнада эмас, ҳаётда артист бўлиб яшадигиз. Узлингиздан чиқиб, бошқа одам қиёфасига кирдингиз. Ўзидан, вужудидан, қалбидан, дунёдаги энг ярамас, ифлос нарсалардан жиркангандек жирканадиган одамгина шундай қилади. Бу жуда қийин иш-ку! Умр бўйи бир танада икки киши бўлиб яшаш мумкинми, ахир! Шунинг учун сизни ташлаб кетдим. Ҳеч қайтиб келмас бўлиб кетдим. Тўйимиз бўлган кунни бир эсланг. Қадаҳларнинг жаранги, ҳофизларнинг хониши, дўст-ёрларнинг қалбини титратадиган табрик сўзлари... Уша кунлари чинакам бахтиёр эдим, худди булутлар орасида сузиб юргандек эдим, поёнига етиб бўлмас орзуларим бор эди. Худди тўйимиз кунни, эшигингиз – менинг янги уйимнинг эшиги олдида боласини кўтариб турган хотиннинг газаб ва нафрат тўла кўзлари менга тикилганини, унинг қалбида тугён қилаётган ҳисларни пайқабмаган эдим. Чунки мен бахтиёр эдим. Бахтдан энтиккан кишининг кўзига ҳамма нарса гўзал, ҳамма одам бахтли қўринишини билмаган эканман. Мен бахтдан энтикардим, у бахтсизликдан пинҳоний фарёд чекарди. Мен бахтга етишгандек эдим, у бахтини йўқотган эди. Энди ўйлаб қарасам, у бахтни эмас, бахтсизлигини йўқотган экан. Негаки, сиз, ўзгага бахт беролмайдиган нотавон киши экансиз. Унинг юзларига беаҳол тушган ажинлар, қўнги-

роқ сочларга беаҳол оралаган оқлар сиз келтирган "бахт" эканлигини энди яхши биламан. Ҳозир шу хатни ёзарканман, хотинингизнинг ўша машъум тўй кунидagi қиёфасини кўз олдимга келтириб, қалам тутган қўлларим мушта айланганини билмай қолиман. Бирга юрган кечалари ойга термилиб тонг оттирган пайтларимизда у мушфиқ хотиннинг дераза олдида эшикка термилиб, маъюс, афтодаҳол ўтирганини ўйлаганимда, бутун борлигим зирқираб кетади. Сизни қаргаш учун олам бисотидан таҳқирлироқ сўз тополмайман..."

Хатнинг давоми бутунлай ўчириб ташланган. Чироққа яқинроқ бориб ўқишга уриниб кўрдим. Йўқ, ўн саккиз сатр ичидан фақат "инсоф"ми деган сўзни аранг ўқий олдим, холос. Тавба! Бу хатни ким ёзган? Кимга ёзган? Хаёлим қочиб, ҳар бир сатрдан газаб, нафрат ёғилиб турган хат эгасини билгим келди. Китобни олиб, хатнинг давоми чиқиб қолармикан деган ўй билан уни варақлай бошладим. Йўқ, Китоб кутубхонаники эди. Кимдир уни беихтиёр китоб билан топшириб юборган бўлса керак. Уйқум қочиб у нотаниш, аламзада хотин қалбининг энг теран жойларидан отилиб чиққан қайноқ, оловли сўзларидан эрталаб-гача тўлгандим. Эрталаб кутубхонадан бу китобни мендан аввал олган кишини сўрадим. Кутубхоначи хотин тайинли бир гап айтмади. Унинг гапича, университет кутубхонаси бундан икки ярим ой олдин сайлов участкасига китоблар юборган, сайловдан кейин ўша китоблар муқовалашга берилган экан. Хуллас, хат кимдан ва кимга эканлиги маълум бўлмагани учун менда қолди. Аммо бу панд еган жасур хотиннинг ўртаниб ёзган қайноқ сўзлари эгасига етмаганидан афсусландим.

Ўқишлар тугади. Беш йил бирга ўқиган қадрдонлар билан хайрлашадиган кунлар келди. Айниқса, ўзини ҳаммадан олиб қочадиган, менга ҳам шубҳа билан қарайдиган ҳамкурс Санобардан ажралиш менга жуда оғир эди. Бу хаёлча қиз негадир менга жуда қардаси. У кўпчиликка кам аралашарди. Ҳамкурслар бир-биримизнинг "миридан-сиригача" дегандек саргузаштларимизни, орзуларимизни баҳам кўрардик. Аммо Санобар ўзи ҳақида, ниятлари ҳақида лом-мим деб оғиз очмаган. Унинг табиати ана шунақа эди. Ўзи алоҳида дарс тайёрлар, қайғусини ҳам, шодлигини ҳам биров билан баҳам кўрмасди. Унга раҳим келганиданми, ё табиатим оғирроқ бўлганиданми, ҳар қалай, унинг сокинлиги менга ёқарди. Кейинги курсдагина икковимиз бир-биримизга яқин бўлиб қолдик. Ҳатто бир-икки марта кинога ҳам бордик. Кўрган киномизда Санобар жуда кўп йиғлади. Кино унчалик кишини йиғлатадиган даражада ҳам эмас эди. Хайронман, Санобар нега йиғлади экан! Август охирлаб қолган эди. Эртага Санобар Бекободга кетади. Мен эски касбим – газета ишида қоламан. Шу кунни сўнгги бор у билан паррка болади. Негадир у хомушроқ эди. Мен унинг бу кайфиятини то шу кунгача бир-биримизга дардимизни айтмаганимиздан, шундайлигича ажрашиб кетишимиздан бўлса керак, деб ўйладим. Ҳар қалай, бу масалада эркалар дадилроқ бўлади. Довдираб бўлса ҳам гапни ўзим бошладим. Шу пайтгача бу тўғрида оғиз очмаганимдан ўзимни ўзим койиб, ҳаяжон аралаш секин гапирардим. Билмадим, гапларимнинг ҳаммасини эшитдим, йўқми? Паррка одам кўп эди. Танца майдончаси, морознийхоналар студентлар билан тўла. Санобарнинг қўлидан ушладим. У ялт этиб менга қаради.

Саид АҲМАД
Ўзбекистон халқ ёзувчиси



– Юринг, хув анови сув бўйига борамиз.
– Нега?
Бу саволга жавоб тополмадим.
– Юринг! – деди Санобарнинг ўзи йўл бошлаб. Сув бўйи холироқ эди. Симёғочдаги чироқнинг сувдаги акси гўё ханжардек анҳор тағига санчилганди.
– Сизни Тошкентда қолдирмоқчи эдиларку, нега Бекободга юборишларини сўрадингиз?
Санобар жавоб бермади. Сувга тикилганча бир неча дақиқа индамай ўтирди. Сўнг вазимлик билан:
– Менга қаранг, – деди, – беш йил бирга ўқидик, сиз менга бошқаларга қараганда яқинроқ бўлиб қолгансиз. – У негадир гапни гапга қовуштиролмай қийналарди. – Кўзларингизга қараганимда, юрагингизда аллақандай ҳис борлигини сезиб қийналаман. Гапим кўполроқ чиқса, мени кеҳиринг. Бекор қилпасиз. Ҳали ёшсиз. Ўз тенгингиз билан топишингиз керак. Мен буни олдинроқ айтишим керак эди. Нега шундай қилмадим?
– Нега, ахир сизни... наҳот сиз мени... Ё сизнинг бошқа... – дедим паст овоз билан.
Санобарнинг кўзида ёш йилтиради.
– Ахир, мен бир марта тўй кўрганман... беш кун бўлса ҳам. Ҳали тортган дардимнинг доғи танимдан кетгани йўқ.
Уч йил аввал китоб орасидан кўкрагимга тушган хатни эсладим. Наҳот ўша хат билан Санобар орасида бирон муносабат бўлса, нималар депман, йўғ-...
– Сиз, сиз, – дедим дудуқланиб, – Сиз Тургеневнинг "Баҳор сувлари"ни ўқиганмисиз?
Санобар менга савол назари билан қаради:
– Нима эди?
– Хат йўқотганмисиз?
Санобарнинг кўзлари катта-катта очилиб, лаблари алланималар деб пичирлади. Мен унинг шамол тўзиган сочларини силадим.
– Шунақа, – деди Санобар хўрсиниб, – арзон муҳаббатнинг қўрбони бўлганман.
Унинг бу гапида қанчадан-қанча алам, изтироб бор эди.
Иккимиз сувга термилиб хаёл сурамиз. Баҳор сувлари оқиб кетди. Совур ойининг булутлари қалдираб-гулдираб тоғу тошларга, боғу роғларга ёмғир қуйиб ўтди. Унинг ҳаётбахш томчиларидан анвойи гуллар унинг чиқди. Оламини беазаган, адирларда лолақизгалдоқ гулханини ёндирган бу ҳаёт томчиларининг саҳийлигиндан сув ичиб қолган шумғиялар ҳам бор эканлигини биламан. Бироқ кўклар офтобининг алангасига бу печаклар, шумғиялар тоб беролармикан?! Офтоб уларни қовжиратиб ташламасмикан?! Албатта куйдириб ташлайди, ишонаман.
Муҳаббат ҳам шундай. Қалб ҳарорати иситмаган муҳаббат узиб олинган гулдек жуда тез қовжириб қолади.
Ёлғон муҳаббатдан зада бўлган Санобарнинг юрагида куйиб кул бўлаётган ҳисларга ҳарир, шаффоф шабада теккандек бўлади. Бу шабада унинг қалбидаги кулларни тўзғитиб юборади. Кўксидagi босиб ётган оғир тошни муҳаббатнинг азамат қўли кўтариб ташлайди.
Дарахтлар тепасида кезиб юрган яримта ой апроқлар орасидан ўтиб, Санобарнинг гоҳ елкасида, гоҳ соч ўримидада ўйнади.

1960 йил.


БЕШ ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТГА НАЗАР

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва тармоқ касаба уюшмаси Уставларида касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловлар ҳар беш йилда бир марта ўтказилиши, касаба уюшмаси органлари беш йил муддатга сайланиши белгилаб қўйилган. Шунга кўра, Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши тизимидаги касаба уюшмалари органларида жорий йилнинг феврал-март ойларида ҳисобот-йиғилишлар, конференциялар, август ойида эса IX Қурултой ўтказилиши режлаштирилган.

Айни кунларда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг 2020 йил 25 январдаги 16-6-сонли Раёсат қарорига кўра, тизимдаги бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларида локал меъёрий ҳужжатларга аътий риюя этилган ҳолда ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференциялари бўлиб ўтмоқда.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши кун тартибига киритилган асосий масалалардан бири касаба уюшмаси қўмитасининг 2015 йил февралдан 2020 йил февралгача бўлган давр мобайнидаги фаолияти ва навбатдаги вазифалари тўғрисидаги масала бўлиб, унда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимояси, меҳнат муҳофазаси, бандлик, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари маънавиятини юксалтириш, соғломлаштириш масалалари юзасидан касаба уюшмаси қўмитаси раисларининг ҳисоботлари тингланмоқда.

Бугунги кунга қадар тизимдаги 25та бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтиб, 8тасида (беш нафари аёллар) касаба уюшмаси қўмитаси раислари янгитдан сайланди. Касаба уюшмаси



Бугунги кунга қадар тизимдаги 25та бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтиб, 8тасида (беш нафари аёллар) касаба уюшмаси қўмитаси раислари янгитдан сайланди.

қўмитаси раислигига тавсия этилган номзодлар камида 2-3 нафарни ташкил этиб, ҳисобот-сайлов конференциялари муқобиллик асосида ўтказилди. Хусусан, ҳисобот-сайлов йиғилиши ўтказилган касаба уюшмаси органларининг 14таси "Ўзбектелеком" АК "ТШТТ" ва "ЎзМобайл" филиаллари, Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети, "РРТМ" ДУК каби йирик ташкилотлар ҳисобланади.

Умумий йиғилиш (конференция)ларда иштирок этган ходимлар ва делегатлар томонидан куйидаги таклифлар киритилди:

- спорт тадбирлари ва мусобақаларини тизимли ташкил этиш, айниқса, ҳудудий-таркибий бўлинмалар ходимлари иштирокини таъминлаш;
- кам сонли касаба уюшмаси аъзоларига эга бўлган бошланғич ташкилотларини марказлашган ҳолда ходимлар гимнастикасига хос бўлган энг зарур спорт анжомлари билан таъминлаш;
- касаба уюшмаси аъзолик бадаллари тақсимотини қайта кўриб чиқиш, БКУТда фоиз миқдоридagi маблагларни кўпроқ қолдириш эвазига спорт анжомларини харид қилиш, спорт-соғломлаштириш тадбирлари ва касб маҳорати бўйича кўрик-танловларни мунтазам ўтказиб бориш орқали иқтидорли ходимларни моддий рағбатлантириш.
- ОАВ орқали, айниқса, телевидение ва ижтимоий тармоқлар орқали касаба уюшмаси ташкилотлари нуфузини ошириш борасида ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя мавзусида турли видеороликлар тайёрлаш ҳамда намойиш этиш.

Касаба уюшмаси ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида Республика кенгаши аппаратининг масъул ходимлари иштирок этиб, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини янада кучайтириш, республикада олиб борилаётган ишларда касаба уюшмаларининг фаол иштирокини таъминлаш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган энг муҳим вазифалар ва устувор йўналишларга алоҳида тўхталиб, бир қатор вазифалар белгилаб олинмоқда.

Раъно Тўраева,
Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси

ТАДБИР

ШОНЛИ ТАРИХДАН БҮЮК КЕЛАЖАК САРИ



Мамлакатимизда амалга оширилаётган диний-маърифий соҳадаги ислохотлар мазмун-моҳиятини ёшларимиз онгига етказиш, ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларимиз беназир меросини янада кенг тарғиб қилиш орқали уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро-илмий тадқиқот маркази ходимлари томонидан ҳадис илмининг султони Имом Бухо-

рий ҳамда буюк аллома Имом Мотуридидий ҳаёти ва ижодига бағишлаб ўтказилган "Шонли тарихдан буюк келажак сари" мавзусидаги илмий семинар ҳам шу мақсадга қаратилди.

Филиал профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари қатнашган ушбу семинарда Имом Бухорий халқаро-илмий тадқиқот маркази бўлим бошлиғи Баротулло Амонов ҳамда марказ илмий ходими Жонибек Жумаевлар маъруза қилиб, бу икки буюк зот ҳаёти, ислом дини ривожига қўшган мислсиз ҳиссаси, қолдирган бой маънавий мероси ҳақида сўз юритдилар.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
ТАТУ Самарқанд филиали матбуот котиби

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва меҳмонлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, Электромагнит мослашув маркази (ЭМММ) огоҳлантиради: мамлакат ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ва ишлатилаётган радиоэлектрон воситалари (барча турдаги радиоузатиш воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон воситаларни республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олишни ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича ЭМММ ва унинг вилоятлардаги бўлинмаларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Шу билан бирга, ЭМММ турли диапазонлардаги радиоалоқа воситаларига, телевидение ва радиоэшиттириш дастурларини қабул қилишга таъсир этувчи радиоҳалақитларни бартараф этиш учун жисмоний ва юридик шахслардан буюртмалар қабул қилади.

Радиоҳалақитларни бартараф этиш ишлари Ўзбекистон Республикасининг "Радиочастота спектри тўғрисида"ги қонуни ҳамда "Радиоалоқа воситаларига, телевидение ва радиоэшиттириш дастурларини қабул қилишга таъсир этувчи радиоҳалақитларни бартараф этиш учун буюртмани қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома" асосида амалга оширилади.

БҮЮРТМАЛАР БҮЙИЧА ИШЛАР ТЕЛЕКЎРСАТУВ ВА РАДИО ҚАБУЛ ҚИЛИШ УСКУНАСИ ҲАМДА АНТЕННА-ФИДЕР ҚУРИЛМАЛАРИНИНГ СОЗ ҲОЛАТДА БЎЛИШИ ШАРТИ БИЛАН ОЛИБ БОРИЛАДИ.

- Буюртмада қуйидагилар кўрсатилиши зарур:
- Буюртмачи ҳақида маълумот: буюртмачи фамилияси (жисмоний шахс) ёки номи (юридик шахс) тўлиқ почта манзили, телефон: (уй ёки хизмат телефони);
 - Қабул қилиш қурилмаси ва антенна тури (хона ичидаги антеннаси ҳамда бино томига ўрнатилган ва ҳ.к.);
 - Қайси телерадио дастурини қабул қилишда ёки қайси частотада радиоҳалақитлар кузатилмоқда;
 - Радиоҳалақитларнинг содир бўлиш вақти, давомийлиги ва уларнинг эшитилиш ёки кўриниш тавсифи;
 - Ён-атрофдаги хонадонларда телерадио қабул қилгичларга ёки бошқа радиоэлектрон воситаларга ўхшаш радиоҳалақитлар бўлиш эҳтимоли;
 - Радиоҳалақитлар содир бўлиши даврида "ЭМММ" ДУК мутахассисларининг буюртмачи хонадонига ташриф буюришининг қулай вақти.

Буюртмалар "ЭМММ" ДУК техник радионазорат станцияси томонидан ҳамда қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти,
100015, Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси,
15-уй; тел: 71-202-61-71; 71-202-61-68;
электрон манзил: semc@semc.uz

ЭЪЛОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълум қилади



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сонли қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига мувофиқ "ТЕННОСОМ" хусусий корхонасининг (Тошкент шаҳри) аризасига мувофиқ маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2019 йил 30 январда берилган 0006702 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2020 йил 20 февралдан тугатилди.

Краснодар политехника институти томонидан Олег Львович Елин номига берилган КВ 445535 рақамли диплом йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



16 | МАСЛАХАТ

Google akkaunti deyarli har birimizda bor – turli dasturlarni olishda, pochta va bosqqa servislar uchun undan foydalanamiz. Ammo bir qarashda beminnat kumakchidek kuriringan Google aslida bizning har bir harakatomizni – harid va kidiruvlar tarixi, nimalarга kiziqishimizni muntazam kutatib, shaxsiy maълumotlarimizni tuplab boriшини kўpchilimiz uyлаb ham kurmaymiz. Kimгаdir bu ахамиятсиздир, ammo kимларгадир Googlening shaxsiy хаётини бунчалик кавлаштиравиши маъқул келмайди. Шу боис, куйида маъкур тизим кузатувларидан имкон қадар холи бўлиш сирлари ҳақида гаплашамиз.



Қулайлик афзалми ёки махфийлик?

Назорат остида

Шундай қилиб, Google сиз ҳақингизда айнан нималарни билади? Буни аниқлаш осон: akkaунтингиз соғламаларидаги ўз харакатларингизни кўрсатувчи махсус саҳифага ("Мои действия") кирасиз. У ердаги вақт шкаласида ўзингиз кирган сайтлар, қидирув сўровлари, YouTubeда кўрган видеоларингиз ва ҳатто ишлатган Android-иловаларингиз ҳам акс этади.

Googleda яна бир шунга ўхшаш сервис ҳам бор, бу – Google Maps бўлиб, у геолокацияни кузатади. Унда рўйхатдан ўтгач, бутун дунё бўйлаб қаерларга борганингни кўришингиз мумкин. Бу каби маълумотларни компания қанча вақтга бўлсам сақлаб қўяверади, унинг серверлари катта, имкониятлари кенг. Аммо ўзингиз борган жойлар тарихини тозалашингиз осон – хаританинг пастки қисмидаги "Отключить историю" тугмачасини боссангиз бас.

Нега кузатади?

Хўш, Google нега биз ҳақимизда шунча маълумотни тўплаб боради? Аксарият web-сервислар учун битта аксиома амал қилади: агар сиз хизмат учун ҳақ тўла-масангиз, ўзингиз товарга айланасиз. Фойдаланувчиларни турли йўллар билан "сотиш" мумкин, ammo Google масаласига келганда, унинг усули ўта сийқа. Бу компания сизнинг таъбингиз, борадиган жойларингиз, кизикшиларингизга кўра шахсга йўналтирилган реклама жойлаштирувчилардан ҳақ олади. Шу тариқа, Google сиз ҳақингизда қанча кўп маълумот тўпласа, сизни кизиктирувчи рекламаларни шунча аниқлик билан танлаб жойлаштиради ва шу рекламани берувчилардан шунча кўп пул олади.

Сиз ҳақингиздаги маълумотлар компанияга турли йўллар билан келади, ammo энг катта қисми Android-қурилмалар ва Chrome браузерлари орқали тўпланади (смартфонингизни биринчи ёққанингдаги ва Chrome'ни ўрнатганингдаги кўрсатилган лицензия битимини ўқиганингдаги ўзи?) Аммо, ҳатто сиз бу маълумотлардан фойдаланмаган тақдирда ҳам, сиз ҳақингизда маълумот йиғишининг яна кўплаб усуллари бор. Энг тенг тарқалганлардан бири – cookie файллар: улар одатда браузердаги сессияларни бошқариш ва web-ресурсларда авторизация – қайддан ўтиш учун ишлатилади. Googlening исталган бир сервис саҳифасини бир мартагина очсангиз бас – компьютерингизда cookie-файл сақланиб қолади. Унинг ёрдамида компа-

ния, ўзининг сервисларидаги барча харакатларингиз айнан мана шу компютерингиздан амалга оширилганини билиб олади. Ҳа, ишонаверинг, то сиз браузерингиздаги cookie-файллари тозаланингда у маълумотни олиб улгуради. Бунақа кузатувдан сизни "инкогнито" тартиби ҳам, махсус браузерлар ҳам қутқара олмайди. Чунки ҳар қандай браузер ҳам исталган сайтга мурожаат этганида, ўша сайтга ўзининг ядроси (движок), курилманинг амалий тизими ва бошқа маълумотларни узатади. Бу маълумотлар жамланиб, ўзига хос "бармоқ изи"ни ҳосил қиладики, ҳар бир фойдаланувчининг шунча "изи" ўзига хос бўлади.

Фойдаланувчилар харакатларини кузатишининг бошқа, янада айёрона усуллари ҳам бор. Тармоқда буткул аноним бўлиб қолиш ва "кўзи ўткир" Google назарига тушмаслик – ўта қийин, ammo сиз ўзингизни таъқиб қилишларини имкон қадар камайтиришингиз мумкин.

Ҳаммаси яхшилиққа бўлсин

Йирик компаниялар томонидан сизнинг шaxсий маълумотларингиз тўплаб борилиши буткул салбий ҳолат эмас. Кишилар ҳақидаги маълумотлар Googleга ўз сервисларини мунтазам яхшилаб бориши учун керак. Нафақат умуман ҳамма учун, балки бирор ҳудуддаги, ёшдаги фойдаланувчилар, ҳатто ҳар бир шахс учун (жумладан, айнан сиз учун ҳам) Google ўз хизматларини мослаштириб, яхшилаб боради. Бу ҳақда компаниянинг ўзи "Махфийлик" ("Конфиденциальность") саҳифасида батафсил маълумот берган. Масалан, сизнинг навигацияда жойлашувингиз ва йўлдаги харакат тазлигингиз ҳақидаги кўрсаткичларни олиши орқали Google йўллардаги тирбандликни аниқроқ баҳолай олади. Қидирув сўровларингиз хусусидаги маълумотлар эса қидирув тизимининг янада "ақлли"роқ бўлишига ва сўровларни автоматик яқунлаш учун янада мосроқ вариантларни тақлиф этишига хизмат қилади. YouTubeдаги фаоллигингиз эса компанияга айнан сизга мос тавсиялар беришда кўмаклашади.

Шу ерда Google сиз ҳақингиздаги маълумотлар ҳимояси ҳақида сўз юритади: компаниянинг таъқиблашчи, барча маълумотлар ишончли тарзда шифрланади ва хавфсиз жойда сақланади. Бунга ишонмасликка асосимиз ҳам йўқ; зеро, фойдаланувчилар маълумотларининг йирик миқдорда сизиб чиқилиши корпорациянинг бизнесига катта зарба бўлар эди.

ИБРАТ

Боламни ёлгонга ўргатмайман

Бир эркак болалари билан ўйингоҳга келибди. Бу ерда голф ўйини ўтказилар, у ўғилларини илк бор томоша учун етаклаб олганди. Чипта олиш учун кассага яқинлашиб сўрабди:

- Чипта неча пул туради?
- Олти ёшдан катталар учун уч доллар, унганча эса бепул. Хўш, неча берай?
- Кичигим уч ёшда, каттам еттида. Демак, иккита чипта оламыз, мана сизга олти доллар.
- Чиптачи кулиб дебди:
- Жаноб, агар катта ўғлингизни олти ёш деганингда мен бунга ишонган ва сиз пулингизни тежаб қолган бўлардингиз. Ахир кўпчилик шундай қилади. Олтини, еттини, болаларни фарқлаш қийин.
- Тўғри, сиз пайқамасдингиз. Лекин ўғлим биларди-ку? Атиги уч доллар деб уни ёлгонга ўргатишни истамадим...

Умид ва ишонч

Узоқ вақт хастанлиб ётган кишига шифокорлар энди соғайиб кетиши имконсиз экани ҳақида айтишди. Шунда у киши батамом умидсизланиб, ўлимини кута бошлади. Бу ҳолни кўрган дўстлари тоғ-у тошларда яшовчи донғи кетган табиб ҳузурига бориб, умидсизланиб ётган дўстини даволашни илтимос қилдилар. Табиб бу илтимосни ерда қолдирмай бемор олдига келиб, уни кўргач деди:

– Сен, албатта, соғайиб кетасан. Мен сени даволайман. Фақат бунинг учун ўзинг ҳам харакат қилишинг керак. Сен муолажаларингиз тўхтатма, мен сенга тоғдан бир гиёҳ топиб келтираман, ўша гиёҳ сенга ёрдам беради. Бу гиёҳ ёрдамида шу ҳасталикка чалинган кўп беморлар соғайиб кетган.

Бемор табиб айтганларига қулоқ тутиб, даволанишда давом этди. Бир ҳафтадан сўнг табиб ўша гиёҳ дамламасини беморга келтириб берди. Орадан вақтлар ўтиб, бемор соғайиб кетди. Бу ҳолни кўрган шифокорлар табиб ҳузурига боришибди:

– Сиз соғайиши мушкул бўлган беморни даволабсиз. Бизга айтингчи, унга қандай дамлама ичирдингиз? Биз ҳам беморларни даволашда сизнинг усулингиздан фойдаланайлик, унга нима берганингда?

Табиб шундай жавоб қайтарди:

– Мен унга сизлар бера олмаган нарсани бердим, яъни Умид ва Ишонч. Агар соғ одам ҳам батамом умидсизликка тушиб қолса, хастанлиб йиқилиб қолиши ҳеч гап эмас. Агар инсон бирор нарсага эришмоқчи бўлса ва эриша олишига қаттиқ ишонса, у албатта эришади. Беморга тайёрлаб берган дамлама эмас, оддий чой ва тол баргининг аралашмаси эди.

ҲИКОЯТ

Мусичадан сўрадилар:

– Нега фақат иккитагина бола очасан? Товуқлар каби кўплаб бола очишга қувватинг келмайдими?

Мусича:

– Менинг болаларим ота-онасининг жиғилдонидан овқат ейди. Товуқ болалари эса, кўринган ахлатни титиб, қорин тўйгазди. Бир жиғилдондан иккитадан ортиқ болани тўйгазиб бўлмайди. Бир гўнҗепадан эса, юзлаб жўжа тамадди қилади, – деб жавоб берди.



<p>МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ</p>	<p>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Шухрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ, Коммуна ИРИСБЕКОВА, Тўлқин ТЕШАБОВЕВ, Лутфилло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Усмоножон ЙЎЛДОШЕВ (масъул котиб).</p>		<p>МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй (мўлжал: Олой бозори). Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31, факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p>
	<p>Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Баҳоəsi келишилган нарҳда.</p>		<p>Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ. Навбатчи: Аслиддин БЎРИЕВ.</p>
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.</p>	<p>Газета ҳафтаининг жума кунини чиқади</p>	<p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.</p>	<p>G-257 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 4835 нусха.</p>
<p>Вилоят муҳаббатлари:</p>	<p>Андижонда 226-47-80 Бухорода (99)854-7305 Жиззахда (94) 199-95-64</p>	<p>Наманганда (91) 353-71-25 Навоийда 225-91-10 Нукусда 554-35-45</p>	<p>Самарқандда (91)557-84-44 Термизда (91)235-88-68 Тошкентда 234-18-59 Урганча (97) 211-65-05 Фарғонада 244-18-05 Қаршида (93)931-08-99</p>